

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**NAMANGAN MUHANDISLIK - TEXNOLOGIYA INSTITUTI**

**«TABIIY TOLALARNI DASTLABKI ISHLASH  
TEXNOLOGIYASI» KAFEDRASI**

**«PATENTSHUNOSLIK, LITSENZIYALASH VA  
SERTIFIKATLASHTIRISH»**

**FANIDAN TAYYORLANGAN**



**O'QUV - USLUBIY MAJMUA**

**NAMANGAN – 2021**

O'quv-uslubiy majmua O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 2017 yil 1-martdagi 107-buyrug'iga muvofiq ishlab chiqilgan.

**Tuzuvchilar:**

Sarimsakov A.

- "Metrologiya, standartlashtirish va sifatni boshqarish"  
kafedrasi dotsenti, PhD

**Taqrizchilar:**

R.M. Muradov

- NamMTI, "Tabiiy tolalarmi dastlabki ishslash texnologiyasi" kafedrasi professori, texnika fanlari doktori.

A. Bobomatov

- NamMQI, PhD., dotsent A. Bobomatov,

Ushbu o'quv-uslubiy majmua Namangan muhandislik-texnologiya instituti Kengashining 2021 yil 28-avgustdagi №1-sonli bayoni bilan tasdiqlangan.

## MUNDARIJA

Nº	Bo'lim	Sahifa
1.	<b>O'quv materiallar .....</b>	4
	<i>1.1 Ma'ruza mashg'ulotlari materiallari.....</i>	4
	<i>1.2 Amaliy mashg'ulotlari materiallari.....</i>	45
2.	<b>Mustaqil ta'lim mashg'uotlari .....</b>	77
3.	<b>Glossoriy .....</b>	80
4.	<b>Ilovalar .....</b>	83
	<i>4.1 Ta'lim texnologiyalari .....</i>	88
	<i>4.2 Nazorat savollari .....</i>	90
	<i>4.3 Tarqatma materilalar.....</i>	93

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**«ТАБИИЙ ТОЛАЛАРНИ ДАСТЛАБКИ ИШЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ**

**ПАТЕНТШУНОСЛИК, ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ**

**фанидан магистратура талабалари учун**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**Наманган-2021**

## **МУНДАРИЖА**

<b>№</b>	<b>Фан мавзуларининг номи</b>	<b>Бетлар</b>
1	Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш фанининг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари	
2	Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк объектларини ҳимоялаш соҳасидаги қонунчилик	
3	Ихтиро ва намуналарни халқаро патентлаш	
4	Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар	
5	Ихтиrolар	
6	Фойдали модель	
7	Саноат намуналари	
8	Товар белгиларини рўйхатга олиш	
9	Патент ахбороти	
10	Патент кооперация (РСТ) шартнома тартиби	

## **1-маъруза**

### **Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш фанининг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари**

#### **Режа**

1. Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш фанининг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ва жамиятнинг ривожланиши.
2. Интеллектуал мулк объектлари (ИМО) ни таснифлаш. Асосий тушунча ва атамалар.
3. Интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш тамойиллари.

1. Одамзот ўз табиатига кўра жисмоний жиҳатдан энг мукаммал мавжудод эмас, лекин инсонда энг кучли имтиёз – унинг интеллекти мавжуд.

Интеллект – инсонни ҳайвонат дунёсидан ажратиб турадиган асосий белги бўлиб ривожланишни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаради. Интеллект сўзи лотинча **интеллестус** сўзидан келиб чиққан бўлиб [1], инсон ақли, онги, фикрлаш қобилиятини билдиради. Инсон ҳаётининг мақсади – энг яхши нарсаларга интилишдир. Ибтидоий тузумдан, яъни илк меҳнат қуроллари яратилгандан бошлаб инсон ҳар доим ўзининг турмуш тарзини яхшилаш, ўз ижодий салоҳиятини ошириш йўлларини тинимсиз излаб келган. Шунинг учун ҳам қадим замонлардан инсоният жамиятида биринчи олимлар, ихтирочилар, рассомлар ва мусиқачилар пайдо бўлган. Улар инсонлар ҳаёти ва турмушини энгиллаштирувчи асбоб-ускуналар ихтиро қилишган, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигини ўзлаштириб, атроф мухитдан ҳимояланиш учун уйлар қуришган, юкларни ташиб воситаларини ўйлаб топиб, дэнгиздан сузиш учун кемасозлик билан шуғулланишган ва бу билан техник, иқтисодий ва маданий тараққиётни таъминлаб келишган.

Интеллектуал фаолият инсоният жамияти ривожланишининг асосий сабабидир. Интеллектуал фаолиятнинг энг муҳим турлари фан, санъат ва техник ижодиёт, ҳалқлар ва миллатлар, давлат ва тсивилизатсиялар ривожининг доимий йўлдошидир.

Инсоният жамияти ўз бошидан қулдорлик, феодализм, капитализм, сотсиализмни кечирди. XXI асрнинг бошида, асосий ривожлантирувчи кучи рақобат бўлган бозор иқтисодий тизим эканлиги тан олинди.

Ҳамма вақт ҳам рақобат курашида ким интеллектуал имкониятлар ва интеллектуал фаолият натижаларидан унумли фойдалана олса фақат ўша муваффакиятга эришиши мумкин.

Бундан шундай мантиқий хулоса чиқадики, инсоннинг билим олиш, ихтиро қилишга табиий интилиши ва ижоди маҳсулидан иқтисодий самара олиниши бир-бирига мос келгандагина у ўзининг ижодий салоҳиятидан оқилона

фойдалана олади, шу боис доимий изланишдан манфаатдор бўлади.

Фақат мулк эгасигина ўз мулкидан юқори даражада самарали ва оқилона фойдаланиб, уни бошқара олади. Бундай иқтисодий рағбатлантиришнинг энг мақбул усули шундан иборатки, инсон ўз интеллектуал салоҳияти натижаларига мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиши, яъни интеллектуал мулкка эгалик қилиши керак. Зеро ундан бошқа ҳеч ким бу натижаларга хўжайинлик қила олмасин. Фақат унинг ўзигина интеллектуал ижоди натижаларидан ўз истагича фойдаланиш ва бошқа шахсларга сотиш борасида мутлок ҳуқуққа эга бўлади [2].

Шу ерда биз ҳозирги вақтда жаҳондаги энг муҳим тушунчалардан бири ҳисобланган интеллектуал мулк тушунчасига дуч келамиз. Хўш интеллектуал мулкнинг ўзи нима ва уни қандай ўлчаш мумкин?

Энг аввало интеллектуал мулк интеллектуал фаолият натижасидир. Барча интеллектуал фаолият ҳам интеллектуал мулк бўла олмаслиги аниқ. Инсон фикрлайди, унинг хаёлида беҳисоб ғоялар, лойиҳалар туғилади, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётда амалга ошмай қолиб кетади. Фақат бошқалар томонидан объектив равишда қабул қилинадиган, яъни ўзининг муайян чегараларига эга бўлган ғоя ва фикрларгина мулк бўла олиши равшандир.

Интеллектуал фаолиятнинг кейинчалик қандайдир бирор-бир объектив (моддий) шаклда ифодалана оладиган натижаларигина интеллектуал мулк бўлади деб айтиш мумкин.

Бунда иқтисодий ривожланишдан манфаатдор давлатнинг асосий вазифаси ҳар бир кишининг ўз интеллектуал мулкига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуки ишончли муҳофазаланадиган тизимни таъминлашдан иборат.

Интеллектуал мулкнинг ўзига хос хусусияти ўз эгаларига фойда келтиришдан иборат, демак, мулк эгаларининг ўз мулкига мутлок ҳуқуки муҳофазаланган ҳолдагина бутун жамият фойдасига хизмат қила олади. Хулоса шуки, интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя қилмасдан туриб XXI асрда илмий - техниканинг ривожланишига кэнг йўл очиб бўлмайди.

Лекин интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя этиш билан масала охиригача ҳал бўлмайди. Жаҳонда ноҳалол рақобат кураши тобора авж олиб бораётгани кузатилмоқда. Ҳар бир давлат ноҳалол рақобат курашнинг олдини олиш учун қандай механизмларни ишга солиши керак? Тарихдан маълумки энг ишончли механизм бу ҳуқуқ бўлиши мумкин, зотан айнан ҳуқуқий механизмлар интеллектуал мулкни муҳофазалашга ишончли ва маданий ёндашувни таъминлайди.

Лекин давлат томонидан кафолатланадиган ишончли муҳофаза бу масаланинг бир томони холос. Халқимизнинг доно ибораси бор - “ҳолва деган билан оғиз чучимайди”. Унинг муҳим таркибий қисми муайян кишиларнинг ўз ҳуқуқларини билиши ва бу ҳуқуқлардан амалиётда фойдалана олишидир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши учун исталган касбдаги ҳар бир ижодкор киши келажакда ўзининг интеллектуал мулкидан самарали фойдаланиш йўлларини аниқ тасаввур этиши жуда муҳимдир.

2. Интеллектуал фаолият одатда жуда кўп қиррали бўлиб кэнг миқёсда

ўзгариб туриши мумкин. Фан, санъат, техник ижодиёт – буларнинг барчаси интеллектуал меҳнат турлариидир.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) қуийдагиларни ҳақли равишда ўзининг шиори деб эълон қилди: Инсоният даҳоси жами санъат асарлари ва ихтиrolарнинг манбаидир. Бу асарлар инсонга муносаб ҳаёт кафолатидир. Барча турдаги санъат асарлари ва ихтиrolарни ишончли ҳимоялаш ҳар бир давлатнинг бурчиdir.

Интеллектуал мулк объектларини кўриб чиқар эканмиз, шуни қайд этиш мумкинки, интеллектуал мулкда объектларнинг икки гурӯхи алоҳида ажралиб туради: санъат билан боғлиқ бадий асарлар ва санъат тармоғи – хусусан янги буюмлар, товарлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва бозорга таклиф этиш билан боғлиқ объектлар.

Айнан ана шу вазиятлар XX асрда жаҳонда умум қабул қилинган халқаро хукуқий стандартлар шаклланишига олиб келди, шунга мувофиқ интеллктуал мулк ўз ичига икки асосий хукуқлар соҳасини олади [3]:

- муаллифлик ва турдош хукуқлар, унга мувофиқ илмий, адабий, мусиқий, бадиий, фотография ва аудиовизуал асарларга хукуқлар, шунингдек фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва ижрочилар, эфир ва кабел эшиттиришлари ташкилотларининг хукуқлари ҳимоя қилинади;

- саноат мулки, у ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, шунингдек товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари, товарларнинг келиб чиқиш жойи, фирма номларига хукуқларни ўз ичига олади.

Санаб ўтилган барча муайян хукуқий муҳофаза объектлари, хусусан, бадий асарлар ва санъат турлари, ихтиrolар, товар белгилари, ЭҲМ учун дастурлар ва ҳоказолар интеллектуал мулк объектлари деб аталади [4].

*Муаллифлик* хукуқи адабиёт, фан ва санъат асарлри ўзининг аниқ ифодасини топган шаклни муҳофаза қиласи. Бундай ифодалаш шакли сўз, тимсоллари, мусиқа, сурат, уч ўлчовли предметлар ёки бундай шаклларнинг комбинатсияси (масалан, кинофил м ёки театр пос-тановкаси, опера) бўлиши мумкин. Муаллифлик хукуқлари асарларнинг исталган турини маҳсус рухсатсиз (муаллиф розилигисиз) нусха кўчириш, кўпайтириш ва бошқа усуlda қайta тиклашдан муҳофазалайди [5].

*Саноат мулки*, муаллифлик хукуқидан фарқли равишда бевосита ғояни, хусусан буюмнинг турли шаклларда кўп марта қайta ишлатилиши мумкин бўлган техник, бадий ва бошқа моҳиятларни муҳофаза қиласи.

Патент давлат номидан саноат мулки объектига бериладиган ва муайян ҳудудда муайян вақт оралиғида амал қиласиган муҳофаза ҳужжатидир.

3. Ҳукуқнинг ривожланиш тарихи бевосита давлат тарихи билан боғлиқ. Ҳукуқ иқтисодий базис ва унинг асосида жамиятнинг маданий ривожланиши демакдир ва бундан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас деб таърифлаш мумкин [1].

Ҳукуқ, хусусан хукуқий тизим муайян ижтимоий муносабатлардан бошланадиган айrim меъёрлардан ташкил топади.

Ҳукуқ меъёри айrim шахслар, ташкилотлар, давлат органлари ва

ҳоказоларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қоидалардир. Фақат давлат бутун мамлакат миқёсида ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибини таъминлаб бериши мумкин.

Ҳуқуқ тизими ўз ичига турли ҳуқуқ соҳаларини қамраб олади, улар ўз навбатида кичик соҳа ва институтларга бўлинади. Ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўйича бирлаштирилган ҳуқуқий меъёрларнинг алоҳида гуруҳи ҳуқуқ соҳасидир. Ҳуқуқнинг ҳар бир соҳасига уни тартибга солиш предметининг хусусиятларидан келиб чиқадиган ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига мос услуби хосдир.

*Интеллектуал мулк ҳуқуқи ёки интеллектуал мулк фуқаролик ҳуқуқининг кичик соҳасидир. Патент ҳуқуқи ва фуқаро муносабатлари иштирокчиликларини индивидуаллаштириш воситаларини муҳофазалаш, шунингдек ноанъанавий объектларни муҳофазалашдан иборат бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва саноат мулки шу кичик соҳанинг институтлариdir.*

*Патент ҳуқуқи.* У дастлаб феодализмнинг сўнги даврларида феодал жамият негизида хўжалик юритишнинг капиталистик усули вужудга келиб, ривожлана бошлиши билан юзага келди. Патент ҳуқуқи – ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули устун келиши ва ҳокимиятнинг буржуазия қўлига ўтиши натижасида шаклланди [2].

Хўжалик юритишнинг капиталистик усулига ўтиш билан сифат жиҳатидан янги вазият юзага келди. Унга зарур моддий-техника базасини яратиш саноат инқилоби тусини олди. европа ХВИ асрнинг ўрталарида Буюк саноат инқилоби даврини бошдан кечирди ва у патент ҳуқуқи юзага келиши учун иқтисодий шартшароит яратди.

Бу инқилобнинг асосий босқичларидан бири қўл мануфаактурасидан кўплаб ихтиrolардан фойдаланишга асосланган машиналар ишлаб чиқаришга ўтиш бўлди.

Капитализмда иш қуроллари ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик типи бўйича ихтиrolарни ўзлаштиришга эҳтиёж юзага келди.

Маълумки, ихтиrolарни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳар доим дастлабки сармоя сарфлашни талаб этади. Лекин ҳеч бир тадбиркор ўзи сарфлаган маблағдан фойда олишга улгурмай туриб рақобатчилар худди шу ихтиrodan нусха олиб унинг тажрибасидан фойдалана бошламасликларига кафолат олмасдан туриб бундай сармояларни хавф-хатарга қўя олмайди. Айнан ана шу объектив омил сабабли ихтиrolардан фойдаланишда ундан етарли даражада узоқ муддат фойдаланиш ва рақобат курашида ютиб чиқиши имконини берадиган монополия зурур бўлиб қолди.

Бундай монополияни яратиш учун юридик восита – патент европада феодал жамиятидан бўён маълум эди [3].

Феодализмда патентдан турли мол-мулк эгалари ва қирол ўз хазинаси фойдасига даромад манбаларини мустаҳкамлаш воситаси сифатида кэнг фойдаланаар эди. Феодал патент тизими капитализм ривожланиши учун тўсиқ эди, чунки қирол кўплаб патент бериш йўли билан исталган нарсадан фойдаланишга яккаҳокимлик (монопол) ҳуқуқни ўзи хоҳлаганча белгилай оларди. Буржуазия табиийки, бундай ҳолатга, хусусан феодал монополиялар ва

ихтиrolарга монополиялар жорий этишга қарши фаол қураша бошлади. Бунда иқтисодиёт ихтиrolарга монополиялар феодалнинг марҳамати билан эмас, балки мунтазам, яъни қонунда белгиланган қоидалар бўйича берилиши талаб қилинарди.

Патент ҳуқуқини ҳимоялаш соҳасидаги илк қадамлар Англияда кўйилди [4]. Мамлакатда феодалларга тегишли имтиёзлар тизимини патент ҳуқуқига айлантириш жараёни ХВИИ асрда бошланди. АҚШ Англиядан кейин ихтиrolарни муҳофазалаш қабул қилинган мамлакат бўлди. европанинг бошқа мамлакатларида патент қонунлари нисбатан кечроқ қабул қилинди.

Миллий патент тизимларини иккита гурӯхга бўлиш мумкин. Биринчи гурӯхни патент тизимини “континентал ҳуқуқ” тамойили белгилаб берадиган мамлакатлар ташкил этади. Иккинчи гурӯхини миллий ҳуқуқларига Англия ҳуқуқи таъсир ўтказган мамлакатлар ташкил этади.

Англия ҳуқуқининг континентал ҳуқуқдан асосий фарқи шундаки, қонунлар билан бирга суд жараёнлари (претседентлари) ҳам ҳуқуқ манбалар ҳисобланади. Бундай ҳолат ҳуқуқда муайян ишлар бўйича кучга кирган ва ушбу ҳолатга мос бўлган қонун меъёрларини изоҳлаб берадиган суд қарорлари бошқа судлар шу каби ишларни кўрган вақтда қўлланиш учун мажбурий намуна бўлиб қолади.

Ҳар икки йўналишдан ташқари миллий патент тизимларини шартли равишда тўрт асосий: герман, роман, инглиз ва америка гурӯхига бўлиш мумкин, улар патент ҳуқуқининг асосий тизимлари ҳисобланади.

Патент ҳуқуқи ҳамма вақт иқтисодий муносабатлар билан белгиланади, чунки у жамият иқтисодий ривожланишининг зарур омили ҳисобланади.

## 2-маъруза

### Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк обьектларини ҳимоялаш соҳасидаги қонунчилик

#### Режа

1. Патент ҳуқуқининг ривожланиш тарихи. ИМО ни муҳофазалаш соҳасида Ўзбекистон қонунчилиги. Алоҳида ҳуқуқлар.
2. Муҳофаза хужжатларининг турлари. Муҳофаза муддатлари.
3. Интеллектуал мулк обьектларини муҳофазалаш соҳасида халқаро кооператсия

1. Мамлакатимизнинг асосий қонуни Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясидир. Конститутсия Ўзбекистон қонунчилигини ишлаб чиқишининг асосий қоидаларини белгилаб беради. Бизнинг интеллектуал мулк обьектларини ҳуқуқий муҳофазалаш соҳасида амалдаги қонунчилигимиз бевосита мулкка эгалик ва илмий-техник ижодиёт эркинлиги ҳуқуқлари акс этган Конститутсиянинг ИХ бўлими 36 - ва 42 - моддаларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган.

Интеллектуал мулк обьектларини яратиш, муҳофазалаш ва фойдаланиш

билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи соҳаси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофазалаш билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қўйидаги қонунлар амал қилади:

1996 йил 30 августда қабул қилинган “Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонун;

1994 йил 6 майда қабул қилинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонун;

1993 йил 7 майда қабул қилинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган “Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида”ги қонун;

1994 йил 6 майда қабул қилинган “ЕХМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисида”ги қонун;

1996 йил 30 августда қабул қилинган “Селектсия ютуқлари тўғрисида”ги қонун;

2001 йил 12 майда қабул қилинган “Интеграл микрочизмалар топологиясини ҳуқуқий муҳофazalaш тўғрисида”ги қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ давлатимизда интеллектуал мулк соҳасида ваколатли қўйидаги ташкилотлар фаолият кўрсатади:

Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасидаги масалаларни тартибга солувчи Муаллифилик ҳуқуқлари бўйича агентлик;

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, унинг вазифаси саноат мулки обьектларини муҳофazalaш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Муаллифга шунингдек муаллифлик номи ҳуқуқи ҳам берилган бўлиб, унга мувофиқ муаллиф ўз обьектига ўзининг номи ёки бошқа номни бериши ҳуқуқига эга.

Интеллектуал мулк обьектларига мулкий ҳуқуқлар фуқаро ёки юридик шахснинг шу обьектга алоҳида ҳуқуқлариdir. Faқat алоҳида ҳуқуқлар эгаси интеллектуал мулк обьектидан бошқа шахслар фойдаланишига рухsat бериши ёки ман қилиши мумкин.

Алоҳида ҳуқуқлар фақат қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва фақат интеллектуал мулк обьектларидан меъёрида фойдаланишига ҳамда унинг эгасининг қонуний манфаатларига заарар етказилмаган тақдирдагина чекланиши мумкин.

Алоҳида ҳуқуқлар қўйидаги ҳолларда чекланиши мумкин:

- Ўзбекистонда муҳофaza қилинадиган ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари таркиbidаги қурилмаларни бошқа давлат, Париж конвентсияси иштирокчisinинг транспорт воситасида, бу транспорт воситаси вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлганда қўлланиш, бунда бу қурилмалар фақат шу восита эҳтиёжлари учунгина фойдаланилиши шарт;

- Таркибида патентланган обьектлар бўлган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажрибалар ўтказиш;

- Табиий оғатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда

холларда таркибида патентланган объектлар бўлган воситаларни қўлланиш. Вазирлар Маҳкамаси миллий хавфсизлик манфаатлари йўлида патентланган объектлардан фойдаланиш тўғрисида патент эгасининг розилигини олмасдан туриб қарор қабул қиласи, лекин бундай холларда обеъктдан фойдаланилгани учун унга тегишли товоң тўланади;

- Таркибида патентланган объектлар бўлган воситаларни, агар бу воситалар қонуний йўл билан хўжалик айланмасига киритилган бўлса, қўлланиш (масалан, патент эгасининг ўзи ёки унинг литсензияси бўйича)
- Воситаларни ҳеч қандай даромад олмасдан шахсий мақсадларда қўлланиш;
- Дорихоналарда шифокор ретсепи бўйича дориларни бир марта таёrlаш.

**Ихтирога патент** – ихтиронинг устуворлик санасидан бошлаб йигирма йил мобайнида амал қиласи, моҳияти бўйича экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади;

**Ихтирога дастлабки патент** (2002 йил октябр ойигача) – дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қиласи. Талабнома берувчининг моҳияти бўйича экспертиза ўтказиш тўғрисидаги илтимосига кўра патентга айлантирилиши мумкин;

**Саноат намунасига патент** – моҳияти бўйича экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қиласи, патент эгасининг илтимоси билан амал қилиш муддатини яна беш йилга узайтириш имкониятини сақлаб қолади;

**Саноат намунасига дастлабки патент** (2002 йил октябр ойигача) – Дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қиласи. Дастлабки патент эгаси илтимосига кўра патентга айлантирилиши мумкин.

**Фойдали моделга патент** – дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қиласи ва талабнома берувчининг илтимосига кўра яна уч йилга узайтирилиши мумкин.

**Товар белгисига гувоҳнома** - экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қиласи ва ҳар сафар 10 йилга узайтириш имкониятини сақлаб қолади.

Агар обьект патентга лаёқатлилик мезонларига мос бўлса, у тегишлича ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси деб тан олинади. Қонунга мувофиқ кўрсатилган обьектлар учун қўйидаги мезонлар белгиланган:

- *Ихтиrolар учун – унинг янгилиги, ихтиро даражаси ва саноатда қўлланиши;*
- *Фойдали модел учун – унинг янгилиги ва саноатда қўлланилиши;*
- *Саноат намунаси учун – унинг янгилиги, ўзига хослиги ва саноатда қўлланилиши.*

Патент экспертизасини ўтказиш вақтида фойдаланиладиган энг муҳим тушунча **техника даражаси** тушунчасидир. **Техника даражаси** ўз ичига ихтиронинг устуворлик санасигача жаҳонда барча учун маълум бўлган ва барча фойдаланадиган маълумотларни олади.

Дастлабки экспертизанинг моҳият жиҳатидан экспертизадан фарқи энг

аввало шундаки, дастлабки экспертиза вақтида талабнома берилган объектнинг (ихтиро, фойдали модел) маҳаллий янгилик талабларига мувофиқлиги текширилади, яъни *патент экспертлари* фақат Ўзбекистондаги мавжуд патент ҳужжатларини текширадилар, моҳият жиҳатидан экспертизада эса объектнинг жаҳон техника даражасига мувофиқлиги текширилади. Патент идораси маълумотлар расмий равишда чоп этилгандан сўнг уч ой ўтгач патент эгасига (ёки товар белгиси эгасига) муҳофаза ҳужжати, тегишлича патент ёки гувоҳнома беради. Патент ёки гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси номидан берилади ва Патент идораси раҳбари томонидан имзоланади. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳамма вақт битта обьектга фақат битта муҳофаза ҳужжати (патент ёки гувоҳнома) берилади. Агар патент эгаси бир нечта бўлса (масалан, икки фирма ёки икки ҳаммуаллиф) улар битта патент оладилар.

Қайд этиб ўтамизки, кейинчалик патент эгаси патентни кучда сақлаб туриш учун мунтазам равишда бож тўлаб туришлари шарт, бож тўламаслик муҳофаза ҳужжатининг амал қилиши тўхташига олиб келиши мумкин. *Патент қуийидаги ҳолларда ҳам амал қилишидан тўхтатилиши мумкин:*

- патентнинг амал қилиш муддати тугагач;
- патент, дастлабки патент ёки товар белгисининг ҳақиқий эмаслиги учинчи томоннинг даво аризаси билан суд орқали тасдиқланганда;
- патент эгасининг Патент идорасига берган аризаси асосида.

Агар патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши муддатидан илгари тўхтатилса, бу ҳақидаги маълумот Патент идорасининг “Расмий ахборотнома” бюллетенида чоп этилади. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича хориж фуқаролари ва юридик шахслари бевосита талабнома бериш ҳуқуқига эга эмас. *Улар патент олиши ва уни кучда сақлаб туриши учун ишларини Ўзбекистоннинг патент бўйича ишончли вакиллари орқали юритишлари мумкин.*

3. Бугунги кунда жаҳондаги ҳар бир мамлакат ўзи алоҳида яшай олмайди. Халқаро савдо, инвеститсияларнинг бир давлатдан иккинчисига ўтиши, қўшма корхоналарнинг фаолият кўрсатиши ва ҳамкорликнинг бошқа шакллари аллақачон жаҳон иқтисодиётининг ажралмас омили бўлиб қолди [5].

Бундан ташқари йил сайин жаҳонда иқтисодий интегратсия жараёнларининг кучайиб бориши кузатилмоқда.

Рақобат кураши шароитида фақат ишлаб чиқаришнинг яхшиланган усулларини қўлланиш ёки техник-иқтисодий ва истеъмол (шу жумладан ташқи кўриниши ва савдо имиджи) хусусиятлари яхшиланган товарларни яратиш йўли билан қўшимча фойда олиш мумкин.

Шу муносабат билан интеллектуал мулк обьектлари, хусусан уларнинг асосий хусусияти – қўшимча фойда “келтирувчи” сифатидаги роли тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда янги интеллектуал мулк обьектларини яратиш, уларни ишончли муҳофазалаш ва самарали фойдаланиш (шу жумладан бу обьектларини сотиш) ҳар қандай корхона, фирма, корпоратсия муваффақиятининг ажралмас элементи бўлиб қолмоқда. Табиийки, турли давлатларда интеллектуал мулкни муҳофазалашнинг бир-биридан фарқ қиласиган тартиблари талабнома берувчилар учун ихтиrolарни патентлаш, товар белгиларини рўйхатга олишни

мураккаблаштирар, бу эса хақаро савдо-сотиқ иқтисодиётини ривожлантириш йўлида жиддий тўсиқ бўлар эди.

Шунинг учун интеллектуал мулк ҳукуқлари ривожланишининг бутун тарихи давомида давлатлар интеллектуал мулк обьектларини муҳофазалаш масалаларига ёндашувларни бир хиллаштириш йўлларини фаол изламоқда. Бу муаммолар интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликни зарур қилиб қўйди.

Интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг мақсади турли давлатлар ички қонунчилигининг айrim қоидаларини бир хиллаштириш, интеллектуал мулк соҳасида халқаро стандартлар ва меъёрлар ишлаб чиқиш йўли билан турли мамлакатларда интеллектуал мулк ҳукуқларини муҳофазалашни энгиллаштириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат [6].

Халқаро муносабатларда ҳукуқларнинг асосий манбаи халқаро битим, шартномалардир. Халқаро шартнома бу халқаро ҳукуқ билан тартибга солинадиган давлатлар ўртасидаги келишув бўлиб, унда ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятлар белгилаб берилади.

Интеллектуал мулк соҳасидаги асосий халқаро битимлар Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) доирасида бирлаштирилади. БИМТ Стокгол мда 1967 йилда имзоланган ва 1970 йилда кучга киритилган Конвентсия билан таъсис этилган. БИМТ БМТ нинг 16 та ихтисослашган муассасаларидан биридир. БИМТнинг маъмурий вазифаларини бажарадиган Котибияти “БИМТнинг Халқаро бюроси” деб аталади [7].

Саноат мулкини муҳофазалаш бўйича Париж Конвентсияси интеллектуал ҳукуқлар соҳасидаги биринчи, энг умумий халқаро битим бўлади. Париж Конвентсияси 1883 йилда тузилган. Конвентсия ҳозирги вақтда амал қилаётган таҳрири 1979 йилда Стокгол мда қабул қилинган бўлиб, 2000 йил 1 январдаги маълумотларга кўра 162 давлат, шу жумладан 1993 йил 18 августда Конвентсияга аззо бўлган Ўзбекистон ҳам унинг иштироқчилари ҳисобланади.

Конвентсия ихтиро, фойдали модел, товар белгилари, саноат намуналари, фирма номлари, товарларнинг келиб чиқиш жойлари, номлари каби обьектларни муҳофазалаш, шунингдек ноҳалол рақобатнинг олдини олишнинг умумий асослари, тамойилларини белгилаб беради. 1970 йилда Вашингтонда тузилган Патент кооператсияси тўғрисидаги шартнома (РСТ) энг муҳим халқаро шартномалардан биридир. РСТ, биринчи навбатда, ихтиrolарга бир неча мамлакатда муҳофаза олишни осонлаштириш ва арzonлаштиришга йўналтирилган. Шартнома шунингдек ривожланаётган мамлакатлар патент тизимининг иш самарадорлигини ошириш ва бу мамлакатлар аҳолисининг илғор техник ечимлар, ихтиrolар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланишини осонлаштириш йўли билан уларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришга хизмат қиласи.

Енди халқаро классификатсия битимларига ўтамиз. Ихтиrolар соҳасида 1971 йилда тузилган Халқаро патент классификатсияси тўғрисидаги Страсбург битимининг мақсади патент ҳужжатларини муфассал иерархик индексатсиялаш ва қидиришнинг ягона тизимини яратишдан иборатdir. Бу битим билан Халқаро патент классификатсия (ХПК) таъсис этилган бўлиб, у техниканинг ҳамма

соҳасини 70000 дан ортиқ кичик руқнлардан иборат саккизта асосий бўлимга ажратади. ХПК турли патент-ахборот тадқиқотлари, патент экспертизасини самарали ўтказиш имконини беради, бу эса патент ахборотини тезкор ва тижорат нуқтаи назаридан қимматли ахборотлар манбаига айлантиради. Ҳозирги вақтда ХПКдан деярли барча давлатлар ва ташкилотлар кэнг фойдаланмоқда. ХПК тўғрисидаги Битим доирасида Иттифоқ тузилган бўлиб, у ўз Ассамблеясига эга. Ассамблея Иттифоқнинг бюджети ва икки йиллик дастурини қабул қиласди.

Бутунжаҳон Савдо ташкилоти (БСТ) таъсис этилиши интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро кооператсиянинг ривожланишига туртки бўлди. Интеллектуал мулк хукуқлари бўйича энг асосий жиҳатларни бир хиллаштиришга қаратилган энг сўнги йўна-лишлар Интеллектуал мулк хукуқлари бўйича савдо масалалари тўғрисида Битим (ТРИПС) да мужассамлашди. Унинг лойиҳаси 1994 йилда БСТнинг Уругвай раунди давомида таклиф этилган эди. Бугунги кунда ТРИПСга қўшилиш ҳар бир давлатнинг БСТга кириши учун зарур шартдир [8,9].

Албатта, интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасидаги халқаро кооператсияни кучайтириш, миллий қонунчиликни уйғунлаштириш давлатлар ва минтақаларнинг индустриси, иқтисодий ва ижтимоий ўсиши йўлида халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда тобора катта аҳамият касб этади.

### **3-маъруза Ихтиро ва намуналарни халқаро патентлаш**

Режа:

1. Халқаро патенттаснифинингмақсади.
2. Халқаро патенттаснифитузилишинингпринтсплпри
3. Алифбо – предметликўрсаткич
4. Тескариҳаволаларкўрсаткичи
5. ХПТтурлитаҳрирларинингбир-биригамосликкўрсаткичлари
6. Патентҳужжатларинингбиблиографияси

*Халқаро патент таснифининг мақсади ахборотни тезда қидириб топши ва ишлов берииш имкониятини таъминлаш учун патент ҳужжатларини тартиблаштириши (тартибга солиши) тизимини яратишдан иборат. Қабул қилинган таснифлаш тизими асосида патент фондларида патент ҳужжатлари индексатсияланади ва жой-жойига қўйилади, маълумотлар базаларида ахборот қидирилади ва ҳоказо [5].*

ХПТ ташкил этиш тарихи 1951 йилда, европа патент ишлари бўйича кэнгаши томонидан Патент таснифи бўйича кичик комитет ташкил этилган вақтдан бошланган. Бу комитет, бир қатор европа давлатлари ўртасидаги келишувга мувофиқ, ўша вақтда қўлланилаётган ихтиrolарни таснифлашнинг турли миллий тизимларини унификатсиялаштириш ишларини бошлаган.

1954 йилда ХПТнинг аосий схемаси тузилди. 1966 йилда ХПТнинг кичик грухларгача бўлган аниқликдаги ишланмаси (тўлиқ чизмаси) ни ишлаб чиқиш ишлари тугалланди ва у 1968 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб кучга кирди. 1971 йилда Халқаро патент таснифи бўйича Страсбург битими тузилди. Ушбу битимнинг иштирокчилари фақат 29 давлатдан иборат бўлса ҳам, аслида жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатидаги Патент идоралари, шунингдек минтақавий патент идораси ҳам ХПТ дан фойдаланади. ХПТни доимий равишида қайта кўриб чиқиш ва унинг замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун Страсбург битимида мувофиқ эксперталар комитети таъсис этилган бўлиб, битимнинг иштирокчи давлатлар вакиллари унинг аъзолариdir. ХПТ мунтазам равишида ҳар беш йилда бир марта қайта кўриб чикилади 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб *ХПТнинг еттинчи таҳрири* амал қилмоқда.

ХПТ бўйича асосий нашр бу синфлар кўрсаткичи бўлиб, ҳар бири лотин алифбосининг бош ҳарфлари билан белгиланадиган 8 та бўлимдан иборат:

А – Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш;

Б – Турли технологик жараёнлар;

С – Кимё ва металлургия;

Д – Тўқимачилик ва қофоз;

Е – Курилиш;

Ф – Амалий техника; ёритиш ва иситиш; двигателлар ва насослар; қурол ва ўқ дорилар;

Г – Техник физика;

Ҳ – электр.

ХПТнинг ҳар бир бўлими синфларга бўлинади. Синф рамзий ифодасига бўлим индекси ва иккита рақам киради. Ҳар бир синф шунингдек ўз номига эга. Мисол, А – Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш бўлими ўз ичига “А 01 Қишлоқ хўжалиги” “А 61 Тиббиёт” ва ҳоказо синфларни олади.

Ўз навбатида синфлар кичик синфларга бўлинади, уларнинг рамзий ифодасига лотин ҳарфи билан белгиланадиган бўлим номи, икки хонали сондан иборат синф белгиси ва кичик синфни билдирувчи лотин ҳарфлари киради. Мисол, “А 01 Қишлоқ хўжалиги” синфи “А 01 Д Ҳосилни йигиб-териб олиш, ўрим,...” ва ҳоказо кичик синфлардан иборат.

Кичик синфлар ўз ичига гурухларни олади. Гурухларнинг рамзий белгисига бўлим индекси, синф, кичик синф белгисидан ташқари битта, иккита ёки учта рақамдан иборат ифода киради, бу рақамли ифодадан кейин қия чизиқ ва иккита нол қўйилади. Мисол, “А 01 Д 46F00 Мевалар, сабзавотлар, хмел ва ҳоказоларни йигишириб олиш, дарахт ва буталарни силкитиш қурилмаси”.

Ҳар бир ХПТ гуруҳи биттадан бир нечтагача кичик гурухларага эга бўлиши мумкин. Мисол: “А 01 Д 46F08 Пахта терими” ва ҳоказо.

Муайян кичик гуруҳ индекси ва унинг матн билан очиб бериладиган (масалан, индекс Ҳ 10 Ҳ 23F00; унинг моҳияти Тумблер қайта улагичлар) моҳияти ХПТ руқниси деб аталади.

Одатда ХПТ руқни қуйидаги тушунчалар тоифасини билдиради:

1. Мухофаза қилинадиган обьектлар, яъни қурилмалар, усууллар, моддалар турларига мувофиқ равишида маҳсулотлар жараёнлар (мисол: “А 01 Д 46F10 Fўза

кўсагини поядан ажратиш учун пахта териш машиналари”);

2. Фаолият соҳасининг белгиси (мисол: “А 61 Тиббиёт ёки ветеренария”).

Биринчи гурух белгиларидан ХПТнинг барча даражалари учун фойдаланилади. Иккинчи гурух, одатда, иерархиянинг юқори даражаларида (кичик синф ва ундан юқори) уларга қўшилади.

ХПТ иерархик тузилма бўлганлиги сабабли, кичик гурухлар ҳам бир-бирига нисбатан бўйсунишида иерархик тузилишга эга. Бунда бир кичик гурухнинг ундан юқори гурухга бўйсуниш даражасини, хусусан кичик гурух унга нисбатан битта кам нуқтага эга бўлган яқин юқори руқнга бўйсунадиган руқн эканлигини кўрсатади. Бунда руқнлар матни олдидаги нуқта иерархия бўйича каттароқ гурухнинг матнини такрорламаслик учун унинг ўрнида қўлланилади. Масалан, X 01 F 1F00 – “Таркибида қаттиқ магнитли кукунсимон металлар ёки қотишмалар бўлган магнитлар ёки магнит жисмлар” руқнининг матни қўйидагича ташкил топади:

X 01 F 1F00 Магнит материали бўйича фарқланадиган магнитлар ёки магнит жисмлар,

1F02. таркибида қаттиқ магнит материаллар,

1F04.. металлар ёки қотишмалар,

1F06... заррачалар шаклида, масалан кукун.

ХПТ руқнлари матнининг ўзига хос муҳим хусусияти объектларни белгилаш учун фақат умум қабул қилинган техник атамалардан эмас, балки уларнинг вазифасини кўрсатадиган атамалардан фойдаланилиши-дир, масалан, ўзиорар транспорт воситалари (“автомобиллар” ўрнига) ёки иссиқликни изолятсияловчи қобиқли идишлар (“термослар” ўрнига). *Бу хусусият патент ҳужжатларининг ҳуқуқий характери, хусусан ихтиро ҳажмини белгилаш талаблари билан боғлиқдир.*

ХПТнинг баъзи бир руқнлари изоҳлар ва ҳаволалар шаклидаги “ички маълумот-қидирав аппарати” билан таъминланади. Бундай ҳаволалар қўйидагича бўлиши мумкин:

1. Руқн ҳажмининг чекланганлигини кўрсатади. Мисол: бундай ҳавола у билан белгиланган мавзу шу руқннинг матни билан қамраб олинганлигига қарамай, у таснифлаш тизимининг бошқа жойига киритилишини билдиради.

2. Бошқа руқнларнинг устунлигини кўрсатади. “А 42 В 3F02 Баргли ёки майдаланган тамакини намлаш ёки қуритиш (3F12 устунликка эга); А 42 В 3F12 Тамакини буғлаш, ферментлаш ёки ароматлаш”. Бундай ҳавола кўрсатилган бошқа руқн устунликка эгалигини кўрсатади, яъни ихтиро бир вақтнинг ўзида шу икки руқнга тэнг киритиладиган ҳолларда уни шу руқнларнинг бирида – А 42 В 3F12да таснифлаш мақсадга мувофиқлигини билдиради. Бу мисолда буғлаш, намлашнинг бир тури сифатида А 42 В 3F12 руқнида индексатсияланади, тамакини намлашнинг бошқа усувлари эса А 42 В 3F02 руқнида индексатсияланади.

3. ХПТнинг баъзи жойлари ва кичик бўлимларида охирги мос руқн қоидаси жорий қилинган. Ихтиронинг техник моҳияти бўйсуниш даражаси тэнг, яъни бир хил миқдордаги нуқталарга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ руқн билан қамраб олинадиган бўлса, бу қоидага мувофиқ ихтиронинг техник моҳияти ушбу

руқнлардан фақат охирги руқнда тавсифланади. Қайд этиб ўтамизки, бу қоида тегишли изоҳлар бўлган ҳоллардагина, қўлланилади. Масалан, А61 К, С07, С08, С10 ва бошқа синфларда.

ХПТдан фойдаланишни энгиллаштириш учун синфлар кўрсатки-чига тўлиқ йўриқнома – ХПТга кириш илова қилинади. Шунингдек ихтиро моҳиятига оид муҳим сўзлар бўйича тегишли индексларни топиш имконини берадиган Алифбо предметли кўрсаткич (АПК) ХПТнинг таркибий қисми ҳисобланади. Фойдаланувчиларга қулайлик яратиш учун ХПТга муҳим атамалар кўрсаткичи (у гурухлар руқнлари номидан муҳим атамаларни ажратиб олиш йўли билан яратилган АПК нинг бир вариантидан иборат), Тескари ҳаволалар кўсаткичи (масалан, А руқни учун бошқа исталган руқндан А руқнига далиллар келтирилади) ва ХПТ турли таҳрирларининг бир бирига мослик кўрсаткичлари ҳам чиқарилади.

ХПТда йўриқномага мувофиқ ихтиrolарни индексатсиялашнинг қўйидаги асосий қоидалари қўлланилади:

1. Энг аввало, ихтиронинг техник моҳиятини тўғри белгилаб олиш зарур. Масалан, янги поршен ихтиро қилинган бўлса, ихтиронинг асосий предмети поршеннинг ўзи ёки уни қандайдир қурилмада жойлаштириш учун поршеннинг маҳсус мосламаси эканлигини аниқлаб олиш зарур;

2. Шундан сўнг ихтиро предмети тегишли қурилмалар синфи (кичик синфи) бўйича индексатсияланади. Агар тўғри келадиган руқн топилмаса, ихтиро умумий предмет синфи (тур – зот, қисм – бутун) бўйича индексатсияланади;

3. Агар талаб этиладиган синф бўлмаса, ихтиро предмети қўлланилиши бўйича индексатсияланади. Масалан, қурилма усулни амалга ошириш воситаси сифатида қаралиши ва тегишлича шу усул синфи бўйича (масалан, сувга ишлов бериш қурилмаси ва ҳоказо) индексатсияланishi мумкин;

4. Агар қўлланиш бўйича синфи бўлмаса, ихтиро предмети якуний маҳсулотни олиш воситаси сифатида қаралиши ва якуний маҳсулот (масалан, ёғоч-қириндили плиталар таёrlаш қурилмаси) синфи бўйича индексатсияланishi мумкин;

5. Бундан ташқари, ихтиро баъзи маҳсулотлардан фойдаланиш (ишлов бериш) воситаси сифатида қаралиши ва шу маҳсулот синфида (масалан, контакт линзаларини дезинфектсиялаш қурилмаси) индексатсияланishi мумкин;

6. Агар тегишли руқнлар топилмаса, ихтиро усулни амалга ошириш ёки якуний маҳсулот олиш учун дастлабки маҳсулот сифатида (масалан, керамика буюмлари ишлаб чиқиш учун таркиб) қаралиши мумкин. Демак, ихтиро ушбу усул ёки якуний маҳсулот синфи бўйича тавсифланади;

7. Нихоят, ихтирониг ўзи якуний маҳсулот бўлиши, демак уни олиш усули бўйича индексатсияланishi мумкин.

Патент ҳужжатларини тизимлаштириш имконини берадиган бошқа муҳим ҳусусият библиография маълумотларининг унификатсиялашган тизими бўлиб, патент ҳужжатлари бу библиография маълумотлари билан таъминланади.

*Ҳар бир патент ҳужжати ушибу ҳужжатнинг асосий маълумотларини очиб берувчи библиографик маълумотлар билан таъминланади. Бу библиографик*

маълумотларни идентификатсиялаш учун СТ-9 БИМТ Стандартига мувофиқ ИНИД-кодларидан фойдаланилади [6].

Библиографик маълумотларни идентификатсиялаш учун фойдаланиладиган асосий ИНИД-кодлари ва энг зарур маълумотларни келтирамиз:

- (10) Ҳужжатларни идентификатсиялаш,
- (11) Ҳужжат номери,
- (12) Ҳужжат турининг сўзлар билан ифодаланиши,
- (13) СТ-16 БИМТга мувофиқ ҳужжат тури коди,
- (19) Ҳужжатни эълон қилувчи мамлакатни идентификатсиялаш учун, СТ-3 БИМТ коди,
- (20) Миллий рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар,
- (21) Талабномани рўйхатга олиш номери,
- (22) Талабнома берилган сана,
- (24) Саноат мулки ҳуқуқи амал қила бошлидиган сана,
- (25) Талабнома дастлабки марта берилган тил,
- (26) Талабнома эълон қилинган тил,
- (30) Устуворлик маълумотлари,
- (31) Устувор талабнома номери,
- (32) Устуворлик санаси,
- (33) Устуворлик мамлакати,
- (50) Техник ахборот,
- (51) Халқаро патент таснифи,
- (54) Ихтиронинг номи,
- (57) Ихтиро реферати ёки формуласи,
- (58) Патент қидируви,
- (70) Ҳужжатга алоқадор шахсларни идентификатсиялаш,
- (71) Талабнома берувчи (лар) нинг номи (номлари),
- (73) Патент эгасининг номи,
- (74) Патент вакили ёки агентининг номи,
- (75) Ихтирочи, ҳам талабнома берувчи ҳисобланадиган шахс номи,
- (76) Ҳам ихтирочи, ҳам талабнома берувчи ва патент эгаси бўлган шахс номи,
- (98) Талабнома берувчи билан ёзишмалар олиб бориш учун манзил.

## **4-маъруза**

### **Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар**

Режа:

1. Муаллифлик хуқуқи обьектлари.
2. Турдош хуқуқлар обьектлари.
3. Муаллифлик хуқуқи обьектлари бўлган асарларга мисол.
4. Маълумотлар базалари ва ЭХМ дастурлари учун муаллифлик хуқуқи олиш тартиблари ва умумий қоидалар.

#### **Муаллифлик хуқуқи обьектлари:**

- Фан;
- Адабиёт;
- Санъат асарлари

#### **Турдош хуқуқлар обьектлари:**

- Ижролар;
- Фонограммалар;
- Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари

#### **Муаллифлик хуқуқи обьектлари бўлган асарларга мисол**

- адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);
- драма ва сценарий асарлари;
- матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;
- мусиқали драма асарлари;
- хореография асарлари ва пантомималар;
- аудиовизуал асарлар;
- рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари;
- манзарали-амалий ва саҳна безаги санъати асарлари;
- архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;
- фотография асарлари ва фотографияга ўхшашиб усулларда яратилган асарлар;
- жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар;
- барча турдаги ЭХМ учун дастурлар, шу жумладан ҳар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда, чунончи бошланғич матн ҳамда обьект кодида ифодаланиши мумкин бўлган амалий дастурлар ва операция тизимлари ва бошқа асарлар.

Комп ютерлар ва ахборот технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига жадал суръатларда кириб келмоқда. Бугунги кунда инсон фаолиятининг электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ)дан фойдаланмайдиган

соҳалари деярли қолмади. Агар 80-йилларнинг ўрталаригача ЭҲМдан фақат фан ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланилган бўлса, шахсий компютерларнинг пайдо бўлиши билан ЭҲМ ларнинг кэнг тарқалиш даври бошланди. Ҳозир ҳеч амалий масалани ЭҲМ сиз ҳал қилиб бўлмайди, фан ва ишлаб чиқариш соҳасидан ташқари, деярли барча корхона ва ташкилотларнинг иш юритиши ЭҲМдан кэнг фойдаланишга асосланган.

*Бугунги кунда комп ютер инсонларнинг ўзаро муносабатлари, ахборот билан алмашишининг бош воситасига айланди.*

Комп ютер ҳар қандай ишда инсоннинг энг яқин ёрдамчисидир. Лекин комп ютернинг ўзи тўлақонли ёрдамчи эмас. Унинг қандайдир масалани ҳал қилишдаги фойдалилиги тўлалигича у ишлайдиган дастурга боғлиқдир. Дастурий таъминот комп ютернинг жонидир.

Ҳар қандай ЭҲМ ни икки қисмга бўлиш мумкин: аппарат-техник (*ҳардваре*) ва дастурий таъминот (*софтваре*).

*Дастурий таъминот ёки ЭҲМ учун дастур бу ЭҲМ, унинг тармоқлари ва бошқа комп ютер воситаларининг муайян натижалар олиш мақсадида ишлаш учун мўлжалланган маълумотлар ва буйруқлар мажмуидир.*

ЭҲМ, янги коммуникатсия воситаларининг кэнг тарқалиши ахборот ресурсларининг кескин кўпайишига олиб келди. Бизни ўраб турган ахборот (илмий-техник, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқалар) йил сайин геометрик прогрессия бўйича кўпайиб бормоқда. Шу муносабат билан зарур маълумотларни излаш, уларга ишлов бериш ва таҳлил қилишни энгиллаштиши мақсадларида бундай ахборотларни системалаштириш вазифаси юзага келади. Бу дастурий таъминотдан яна бир интеллектуал мулк обьекти – маълумотлар базалари ажralиб чиқишига олиб келди.

*Маълумотлар базалари* бу маълумотлар (масалан, мақолалар, ҳисобкитоблар) мажмуи бўлиб, у шундай тартибга солинганки, электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида уларни топиш ва ишлов бериш мумкин.

ЭҲМ пайдо бўлган дастлабки вақтда унинг аппарат-техник қисми дастурий таъминотидан жуда (бир неча тартибга) қиммат эди. Лекин шундан бери ЭҲМ ривожида доимий равишда бир йўналиш кузатилмоқда – аппарат-техник қисмлар қиймати тушиб, дастурий таъминот қиймати тобора ошиб бормоқда. *Бугунги кунда дастурий таъминот ЭҲМнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ЭҲМни қўллаш соҳаси, у ёки бу муайян масалани ҳал қилиши қобилиятини белгилаб беради.* Шунга мувофиқ ЭҲМ ва маълумотлар баъзалари учун дастурлар ишлаб чиқариш катта интеллектуал сарф-харажатларни талаб қиласди ва катта тижорат қимматига эга. Лекин ҳар қандай интеллектуал мулк обьекти каби бу обьектларнинг тижорат қиммати ҳам уларнинг ҳукуқий муҳофазасига бевосита боғлиқдир.

Бугунги кунда жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатида ЭҲМ ва маълумотлар базалари дастурлари ва алгоритмлари ҳукуқий жиҳатдан ҳимояланган.

Олдинги бўлимда кўрсатиб ўтилганидек, ЭҲМ ва маълумотлар баъзалари учун дастурлар муаллифлик ҳукуки меъёрлари асосида ҳукуқий муҳофазаланади, чунки улар қуидаги асосий тамойилларни қаноатлантиради деб тан олинади:

- қандайдир объектив шаклда ўз ифодасини топган;
- фан, санъат соҳасига тегишли;
- ўзига хос.

Лекин ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастурлар муаллифлик ҳуқуқининг одатдаги обектларидан бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради, яъни ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастурлар адабиёт ва санъат асарлари каби бевосита объектив шаклда намоён бўлмайди, балки ЭҲМнинг аппарат-техник қисми орқали у бажарадиган ишларда, у акс этирирадиган аудиовизуал тасвиirlарда билвосита намоён бўлади.

Барча дастурлар ва маълумотлар базаси *дастлабки матн* шаклида дастурлашишнинг бирор-бир тилида яратилади [1].

Дастурлашишнинг бирор-бир тилида яратилган ва бирор-бир компилятор билан қайта ишланмаган матн дастлабки матн ҳисобланади.

Лекин, ЭҲМ дастлабки матнни бевосита қабул қилмайди, балки объектга кодини – дастлабки матнни машина кодига айлантириш натижасида олинган дастурни қабул қиласди.

Биринчи марта 1972 йил Женевада ЭҲМ дастурларини ҳуқуқий муҳофазалаш бўйича эксперталар гуруҳининг биринчи сессиясида Париж ва Берн конвентсияларининг қоидалари ЭҲМ дастурларини муҳофазалашни кафолатлай олмаслиги таъкидланди. ЭҲМ дастурларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлайдиган ва муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка асосланадиган ҳамда махфий ишлаб чиқаришлар ва ноқонуний рақобатнинг олдини олиш тўғрисидаги қонунчиликни ҳисобга оладиган махсус қонуний ҳужжатларни жорий этиш тўғрисида келишиб олинди.

Кейинчалик жаҳон амалиётида ЭҲМ объекларини муҳофазалаш масалаларини ҳал қилишда икки йўналиш кэнг тарқалди [2]:

- муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги мавжуд қонунчиликка ўзгартиришилар киритиш;

- ЭҲМ дастурлари учун муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида махсус қонун ишилаб чиқши.

Бу йўналишлар Ўзбекистон қонунчилигига ўз аксини топди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурлар муаллифлик ҳуқуқи обектларига киритилган. Демак, тегишлича ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастурларга муаллифлик ҳуқуқининг барча тамойиллари тарқалади.

Шуни қайд этиб ўтамизки, муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлган ва объектив шаклда тақдим этилган ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун ҳар қандай дастурларга, уларнинг мақсади ва қимматидан қатъий назар, тарқалади. ЭҲМ ёки маълумотлар базаси учун дастурларга муаллифлик ҳуқуқи унинг акси исботланмагунча тарқалади.

ЭҲМ ёки маълумотлар базалари учун дастурларни ноқонуний кўчириб олиш ёки тарқатиш, шу жумладан ўзгаларнинг номи билан чиқариш муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларининг нусхаларига қонуний

эгалик қилувчи шахсларга ҳуқук әгасидан қўшимча рухсатнома олмасдан дастурнинг мақсадига мувофиқ равища ишлашини таъминлаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан ЭҲМга ёзиш ва хотирасида сақлаш, шунингдек унинг кўриниб турган хатоларини тузатиш ҳуқуки берилади. Бунда агар ҳуқук әгаси билан тузилган шартномада бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, қонун билан фақат битта ЭҲМ ёки тармоқдаги битта фойдаланувчининг дастурларни ёзиб олиши ва хотирада сақлашига йўл қўйилади. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун бу обьектларни ҳуқукий муҳофазалашнинг муҳимлиги ва ўзига хослигини хисобга олган ҳолда “Електрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқукий муҳофазалаш тўғрисида”ги қонун билан ЭҲМ учун *дастурлар ва маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқлари (муаллифлик ҳуқуқининг бошқа ҳар қандай обьектлари каби)* улар яратилгандан сўнг вужудга келади *ва қандайдир рўйхатга олиш ёки бошқа расмиятчиликларга риоя қилишини талааб қилмайди* [3]. Муаллиф ўз дастурини ўз истагига кўра ва фақат ўз муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза даражасини ошириш мақсадида рўйхатдан ўтказиши мумкин. Масалан, дастурларни давлат рўйхатига олиш низоли ҳолатларда, ишни судда кўришда (асл вариант (дастлабки матн)ни аниқ белгилаш зарурияти туғилган ва ҳоказо) ўз муаллифлик ҳуқуки ҳажмларини идентификатсиялашни осонлаштиради [4].

ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун Давлат патент идорасида ЭҲМ учун *дастурлар ва маълумот--лар базаларини ҳуқукий муҳофазалаш агентлиги* (бундан кейин – Агентлик) ташкил этилган. Ўз дастури ёки маълумотлар базасини рўйхатдан ўтказиш учун муаллиф (ёки бошқа ҳуқук әгаси) Агентликка тегишли талабнома бериши зарур [5].

Бундай талабнома битта ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар база-ларига тааллуқли бўлади ва қўйидаги хужжатларни ўз ичига олади [6]:

- ҳуқук әгаси, муаллифи, асар номи ва бошқа белгиланган маълумотларни кўрсатган ҳолда ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатга олишга талабнома;

- дастур ёки маълумотлар базаларини айнанлаштирувчи ва дастур ёки маълумотлар базасининг мақсади, қўлланиш соҳаси ва функционал имкониятлари кўрсатилган рефератни ўз ичига олган депонентланган материаллар, шунингдек дастур ёки маълумотлар базасининг дастлабки матни листинг(босма нусхаси)нинг дастлабки 25 ва охирги 25 бети. Листингга дастурни идентификатсиялаш учун зарур бошқа материаллар, масалан дисплей экранида олинадиган тасвирнинг қоғозга босиб чиқарилган нусхалари (стандарт видеокассеталардаги ёзувлар ёки фотографиялар берилиши мумкин) илова қилиниши мумкин;

- дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун тегишли рўйхатга олиш божлари тўланади.

Агентлик рўйхатга олиш учун буюртма тушгандан сўнг расмий экспертиза ўтказади (бунда зарур хужжатларнинг мавжудлиги ҳамда қоидаларда белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади) ва текшириш натижалари ижобий бўлса, Агентлик ЭҲМ учун дастурлар ёки маълумотлар базаларини

тегишича Даствурий маҳсулотлар давлат реестри ёки Маълумотлар базалари давлат реестрига киритади, буюртма берувчига дастур ёки маълумотлар базаларининг расмий рўйхатга олинганинига тўғрисида гувоҳнома беради ҳамда Агентликнинг расмий бюллетенида рўйхатга олинган ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари тўғрисидаги маълумотларни эълон қиласди.

Агентлик шунингдек ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига мулкий ҳуқуqlарни бошқа шахсларга бериш тўғрисидаги шартномаларни ҳам рўйхатга олади. Бунда қонун билан бундай шартномаларни томонларнинг розилиги билан рўйхатга олиш мумкинлиги белгилаб қўйилган, рўйхатга олинган дастурларга мулкий ҳуқуqlарнинг тўлалигича бошқа шахсларга берилиши тўғрисидаги шартномалар белгиланган тартибда рўйхатга олиниши шарт.

## 5-маъруза

### Ихтиrolар

#### Режа

1. Ихтиро объектлари
2. Ихтиронинг патентгалаёқатлиликшартлари.  
Саноатнамунасиgаталабномаларнинг тузилишивапатентлаштартиби.
3. Ихтиро учун патент ҳужжатлари библиографияси.

**Ихтиро инсон яратган дастлабки интеллектуал мулк обьектиdir.** Ихтиrolар тарихи ибтидоий одам ўзининг биринчи меҳнат қуролини ўйлаб топган вақтдан бошланган бўлса керак. Ўша вақтлардан бери айнан ихтиrolар техникани, демак умуман жамиятни ривожлантиришнинг омили ҳисобланади [1].

**Интеллект – инсонни ҳайвонат дунёсидан ажратиб турадиган асосий белги бўлиб ривожланишини сифат жиҳатидан янги поғонага қўтаради. Интеллект сўзи лотинча интеллестус сўзидан келиб чиқсан бўлиб, инсоннинг ақли, онги, фикрлаш қобилиятини билдиради.**

Энг аввало интеллектуал мулк интеллектуал фаолият натижасидир. Барча интеллектуал фаолият ҳам интеллектуал мулк бўла олмаслиги аниқ. Инсон фикрлайди, унинг хаёлида беҳисоб ғоялар, лойиҳалар туғилади, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётда амалга ошмай, қолиб кетади. Фақат бошқалар томонидан обьектив равишда қабул қилинадиган, яъни ўзининг муайян чегараларига эга бўлган ғоя ва фикрларгина мулк бўла олиши равшандир.

Интеллектуал фаолиятнинг кейинчалик қандайдир бирор-бир обьектив (моддий) шаклда ифодалана оладиган натижаларигина интеллектуал мулк бўлади деб айтиш мумкин.

**Ихтиrolарни яратишнинг асосий сабаби, энг аввало жамиятнинг тобора ошиб бораётган моддий, ижтимоий ва маданий эҳтиёжлариidir.**

**Жамият ривожланиб боргани сари бу эҳтиёжлар бир томондан янада тўлароқ, иккинчи томонидан эса камроқ харажат билан қондириб борилиши зарур.**

Ихтиро бу янги ғоя, техник ечим бўлиб, амалиётда техниканинг исталган соҳасидаги муайян муаммони ҳал қилиш имконини беради ва белгиланган мезонларга жовоб беради.

Шуни қайд этиб ўтамизки, техника кўп қиррали тушунча бўлганлиги сабабли турли-туман обьектлар ихтиро бўлиши ва уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиши мумкин [2].

Ниҳоят, биз интеллектуал мулкнинг муҳим атамаси – **патент** деган тушунчани қараб чиқамиз. Патентни ҳақли равишда интеллектуал мулкнинг асосий бош ҳужжати деб айтиш мумкин, у интеллектуал мулк ҳуқуқларининг асосий моҳиятини йиғиқ ҳолда акс эттиради ва индустрисал ривожланишда етакчи рол ўйнайди. Патент сўзи лотинча **патентис** сўзидан келиб чиқсан бўлиб, очиқ, аниқ деган маънони билдиради. Патент ихтирочи ва жамият ўртасидаги ўзига хос алмашинув ҳисобланади. Ихтирочи ўз ижодини жамиятга очиб беради, бу билан техник тараққиёт даражасини оширади., бунинг учун эса ўзининг патентланган ихтиросига давлат томонидан кафолатланган мутлоқ (монопол) ҳуқуқقا эга бўлади.

*Патент давлат номидан саноат мулки обьектига бериладиган ва муайян худудда муайян вақт оралигига амал қиласидиган муҳофаза ҳужжатидир.*

Патент ўз моҳиятига кўра, обьектларга мутлоқ эгалик ҳуқуқини берадиган ҳужжат бўлганлиги сабабли **муайян давлатда бундай мутлоқ ҳуқуқларни берши масаласи шу давлатнинг алоҳида ваколати ҳисобланади**. Маълумки, бир давлатнинг патенти иккинчи давлатнинг худудида амал қила олмайди.

Ихтиронинг таърифи, унинг турлари ҳақидаги асосий тушунчаларни қараб чиқамиз. Ихтиро, яъни ақлий мулк маҳсулоти қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

**1) ихтиро сифатида кўрсатилган обьект янги ихтироилик даражасига эга бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади ва ихтиро деб тан олинади;**

**2) ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади;**

**3) ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, ихтироилик даражасига эга бўлади;**

**4) техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади;**

**5) ихтирони саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қўллаш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.**

**Ихтиро турлари.** Курилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизм-ларнинг штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвон ҳужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадда қўлланилиши ихтиро сифатида эътироф этилади.

**Курилма. Курилмаларга, конструкциялар, конструктив элементлар ёки уларнинг функционал конструктив бирлиқда бўлган мажмуидан иборат**

**буомлар киради.**

Курилмаларга машиналар, асбоб-ускуналар, аппарат, идишлар, транспорт воситалари, маҳкамловчи буюмлар, машина деталлари, идиштовоқлар, мебел , пояфзал, алоқа воситалари, қурилиш конструкциялари, бинолар, иншоотлар, бино қисмлари ва бошқалар киради.

Усул. Усулларга моддий объект (қурилма, муҳит, электр заряди, магнит майдони ва бошқалар) устида моддий объектлар ёрдамида ўзаро боғлик ҳаракатларни бажариш жараёнлари киради.

Модда. Ихтиро тури сифатида моддаларга:

индивидуал кимёвий бирикмалар, буларга шартли равишда юқори молекуляр бирикмалар ва ген мухандислиги объектлари киритилган;

композитсиялар (аралашмалар, қотишмалар, эритмалар ва бошқалар);  
ядровий парчаланиш маҳсулотлари киради.

Микроорганизм штамми, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари. Микроорганизм штамми - бу ўзига хос хусусиятлари бўйича танлаб олиш билан сақланиб туриладиган, қўллаганда фойдали моддалар ҳосил қиласидаги ёки бошқа фойдали хусусиятларга эга бўлган вирус, бактерия ва замбурургларнинг ирсий жиҳатдан бир жинсли турлариdir.

Ихтиро тури сифатидаги микроорганизм штаммларига, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турларига қўйидагилар киради:

- микроорганизмларнинг индивидуал штаммлари, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайралари турлари;
- микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвон ҳужайралари турларининг консортиумлари.

Аввалдан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддалар, штаммларнинг янги мақсадда қўлланишига уларнинг янги вазифада ишлатилиши киради. Аввалдан маълум бўлган (табиий ва сунъий йўл билан олинган) моддаларни ижтимоий истеъмолни қаноатлантириш учун биринчи марта ишлатилиши янги мақсадда ишлатишга тэнглаштирилди.

Талабнома битта ихтирога ёки ягона ихтиричилик фикрини ташкил қилиб, бир-бири билан узвий боғланган ихтиrolар гурухига тегишли бўлиши керак (ихтиро бирлиги талаби). Қуйидаги шартлар бажарилса ихтиро бирлиги талаби бажарилган деб тан олинади:

- битта мустақил пунктдан иборат ихтиро формуласида битта ихтиро келтирилган;
- бир неча мустақил пунктлардан иборат ихтиро формуласида ихтиrolар гурухи келтирилган бўлиб, улардан бири бошқасини олиш (тайёрлаш) учун ишлатилади (масалан қурилма ёки модда ва қурилма ёки моддани тўлалигича, ёки уларнинг бир қисмини олиш (тайёрлаш) усули);
- улардан бири бошқасини амалга ошириш учун ишлатилади (масалан усулни тўлалигича ёки унинг ҳаракатларидан бирини амалга ошириш учун ишлатиладиган усул ва қурилма);
- улардан бири бошқасидан фойдаланиш учун ишлатилади (масалан, усулда ишлатишга мўлжалланган усул ва модда; усул ёки қурилма ва унинг бир

- қисми; қурилма ёки модданинг янги мақсадда қўлланилиши ва уларни шу вазифада ишлатиш усули; қурилма ёки модданинг янги мақсадда қўлланилиши ва уларнинг таркибий қисми бўлган қурилма ёки композитсиялар);
- бир хил кўринишдаги объектларга тегишли бўлган, бир хил вазифадаги, бир хил техник натижани бир хил йўл билан олишни таъминловчи ечимлар (вариантлар).

*Патентга лаёқатли ихтиrolар эмас деб тан олинадиган объектлар.*

Куйидагилар патентга лаёқатли ихтиrolар деб тан олинмайди [3]:

- илмий назариялар ва математика усуллари;
- хўжаликни ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;
- ақлий оператсияларни бажариш қоидалари ва усуллари;
- електрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва схемалари;
- естетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;
- интеграл схемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
- жамоа манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Ихтиrogaga Ўзбекистон Республикаси патенти бериш учун талабнома тузиш Қоидалари Ўзбекистон Республикаси Олий Кэнгашининг 1994 йил 6 майдаги 1063-ХИИ сонли қарорига мувофиқ кучга киритилган “**Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида**”ги Қонунининг 2 - моддаси 2 - қисмига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Патент идораси ихтиrogaga патент бериш учун талабнома тузиш тартибини белгиловчи меъёрий хужжатлари асосида тузиб чиқилди.

Ҳар қандай талабнома фақат ягона мақсад – яратилган ихтиrogaga муҳофаза хужжати (патент) олиш учун тузилади ва Патент идорасига топширилади. Яъни патент экспертизаси ўтказиши вақтида талабномада кўрсатилган объект (қурилма, усул ёки модда) нинг патентга лаёқатлиликнинг белгиланган мезонларига мос келиши тан олиниши учун берилади. Шунга мувофиқ ихтиро тавсифи шундай тузилиши керакки, ундан қуйидагиларни аниқлаб олиш мумкин бўлсин [4]:

1. Ихтиronинг патентга лаёқатлилиги, яъни унинг янгилиги, ихтиро даражаси ва саноатда қўлланилиши тўғрисида аниқ ва равшан тасаввур ҳосил қилиш;

2. Омма учун ихтиronинг техник моҳиятини тўлиқ очиб бериш ва бу билан техника даражасини ривожлантиришга муаян ҳисса қўшиш, патент тизими ҳам айнан ана шу мақсадларда фаолият юритади. Бунинг учун ихтиronинг тавсифи ўз ичига ихтиronи амалга ошириш учун зарур ва етарли ахборотни (унда бевосита фойдаланиш, усул бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва х.к.) олиши зарур.

**Шундан келиб чиққан ҳолда, ихтиро тавсифи қўйидаги мантиқий схема бўйича тузилади [5,6]:**

1. Ихтиронинг мақсади, унинг қўлланиш соҳаси очиб берилади;
2. Ихтиrogача бўлган техник даражаси баён этилади, илгари маълум ихтиrolарнинг камчиликлари келтирилади ва ҳ.к.;
3. Техниканинг ушбу соҳаси олдида турган ва ҳал қилиниши зарур техник, иқтисодий ва бошқа натижалар берадиган вазифалар, долзарб муаммолар кўрсатилади;
4. Ихтиронинг ўзи очиб берилади, ихтиро қандай қилиб қўйилган вазифани ҳал қилиши, зарур техник натижаларга эришилишига далиллар келтирилади, ихтирони амалга оширишнинг аниқ мисоллари келтирилади ва ҳ.к.[7].

**Талабнома таркиби.** Талабнома қўйидаги ҳужжатларни ўз ичига олади:

- ихтиро муаллифи (муаллифлари) ва номига патент берилиши сўралаётган шахс (шахслар), шунингдек уларнинг яшаш ёки турар жойи кўрсатилиб, патент бериш сўралган **ариза**;
- ихтиронинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ баён этилган **тавсифи**;
- ихтиро моҳиятини акс эттирувчи ва унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган **ихтиро формуласи**;
- ихтиро моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, **чизмалар ва бошқа материаллар**;
- **реферат**.

*Талабномага илова қилинадиган ҳужжатлар:*

1. Талабномага белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки бож тўлашдан озод қилишни асословчи ҳужжат илова қилинади. Бож белгиланган миқдордан кам тўланган ҳолда, бож миқдори камайтирилишини асословчи ҳужжат қўшиб берилади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар талабнома билан бирга берилиши керак.

2. Патент вакили орқали берилган талабномага талабнома берувчи томонидан берилган ва патент вакилининг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки унинг нусхаси илова қилинади. Патент идорасига топшириш учун Ўзбекистон Республикасида расмийлаштирилаётган ишончнома, оддий хат шаклида тузилади ва нотариус томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди.

**Талабнома тили.** Патент бериш тўғрисидаги ариза ўзбек ёки рус тилида берилади. Талабнома миллий талабнома берувчилар ёки МДҲ талабнома берувчилари томонидан берилса, аризада кўрсатилган ихтиро номи ўзбек ва рус тилларида берилиши лозим.

**Нусхалар сони.** Талабноманинг юқорида кўрсатилган ўзбек ёки рус тилида тузилган ҳужжатлари уч нусхада берилади.

Шу ҳужжатлар агар бошқа тилда бўлса бир нусхада, уларнинг таржимаси уч нусхада берилади.

Қолган ҳужжатлар ва уларнинг ўзбек ёки рус тилига таржимаси бир нусхада берилади.

## 6-маъруза

### Фойдали модель

#### Режа

1. [Фойдали модель объектлари](#)
2. [Фойдали модельнинг патентга лаёқатлилик шартлари.](#)
3. [Талабномаларнинг тузилиши ва патентлаш тартиби.](#)
4. [Фойдали модель учун патент хужжатлари библиографияси.](#)

Фойдали моделларнинг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимлари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуни ва фойдали моделлар муҳофазаси соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар ёрдамида тартибга солинади.

Фойдали моделга патент (бундан бўён – патент) фойдали моделнинг янгилигини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг фойдали моделга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқукини тасдиқлади.

Патент қўйидагиларга берилади:

- Фойдали моделнинг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ёки унинг (уларнинг) вориси (ворислари)га;
- муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки фойдали модель Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилгунга қадар Агентликка топширилган талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга;
- фойдали модель ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган ҳолларда, агар бу ҳол улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига.

Патент давлат экспертизаси ўтказилганидан кейин берилади ҳамда Агентликка патент бериш тўғрисидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисобланганда, 5 йил мобайнида амал қиласи.

**Фойдали моделларнинг обьекти бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:** қурилмаларни конструктив бажариш, хусусан машиналар, асбоблар, аппаратлар, ускуналар, инструментлар, маҳкамловчи буюмлар, машина деталлари, алоқа воситалари, қурилиш конструкциялари ва бошқалар

**Қўйидагилар фойдали модель деб тан олинмайди:**

- илмий назариялар ва математика усуллари;
- ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;
- ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;

- электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизма тархлари;
- эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;
- интеграл микросхемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
- жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Фойдали модель янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, фойдали моделга патент берилади.

### **Янгилиги**

Агар фойдали моделнинг муҳим белгилари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади. Техника тараққиёти даражаси талабномада кўрсатилган фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳақидаги, Ўзбекистон Республикасида ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотларни, шунингдек, уларни қўллашга доир маълумотларни ўз ичига олади.

### **Саноатда қўлланиши**

Фойдали модель, агар ундан амалда фойдаланиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

### **Талабномани расмийлаштириш**

#### **1. Талабнома тили**

Патент бериш тўғрисидаги ариза ўзбек ёки рус тилида берилади. Аризага илова қилинадиган талабноманинг бошқа ҳужжатлари ўзбек, рус ёки бошқа тилларда тақдим этилади.

Агар талабнома ҳужжатлари бошқа тилда тақдим этилган бўлса, у ҳолда талабномага уларнинг ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси илова қилинади.

Талабнома берувчи ҳужжатларнинг ўзбек ёки рус тилидаги таржимасини талабнома Агентликка топширилган санадан бошлаб икки ой мобайнида тақдим этишилиши мумкин.

#### **2. Талабнома мазмуни**

Талабнома таркибида патент бериш тўғрисидаги ариза, фойдали модель тавсифи, формуласи, чизмалар, фойдали модель моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган бошқа материаллар ва реферат бўлиши керак.

Талабнома берувчи талабнома топшириш учун белгиланган миқдорда патент божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни, шунингдек, агар талабнома талабнома берувчининг вакили томонидан тақдим этилган бўлса, унинг номига берилган ишончномани талабномага илова қилиши лозим.

## 7-маъруза

### Саноат намуналари

#### Режа

1. Саноат намунаси объектлари
2. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилик шартлари.
3. Талабномаларнинг тузилиши ва патентлаш тартиби.
4. Саноат намунаси учун патент хужжатлари библиографияси.

Саноат намуналарининг хуқуқий муҳофазаси соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимлари ва саноат намуналари муҳофазаси соҳасидаги бошқа норматив хужжатлар воситасида тартибга солинади.

Саноат намунасига патент (бундан бўён матнда “патент” деб юритилади) саноат намунасининг янгилиги ва ўзига хослигини, унинг ҳақиқийлигини ҳамда патент эгасининг саноат намунасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга доир мутлақ хуқуқини тасдиқлади.

Патент қуидагиларга берилади:

- саноат намунасининг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);
- муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки саноат намунаси Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилгунга қадар Агентликка топширилган талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (уларнинг ўзи рози бўлган тақдирда);
- ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат намунасининг патенти, агар бу ҳол улар ўртасидаги тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Саноат намунасига патент давлат экспертизаси ўтказилганидан кейин берилади, ҳамда Агентликка патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисобланганда ўн йил давомида амал қиласи.

Саноат намунаси патентининг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан беш йилга узайтирилиши мумкин.

Янгилик ва оригиналликка эга бўлган, техник (функционал) ва эстетик сифатларнинг бирлигига эришилган буюмнинг ташқи кўринишини (дизайнини) ифодалайдиган бадиий-конструкторлик ечим саноат намунаси бўлиб ҳисобланади.

Кўлланмада дизайн моддий буюмлар соҳасига, саноат ёки хунармандчилик усулида ишланган конкрет буюмларни ишлаб чиқишига таалуқли лойиҳавий бадиий-техник фаолиятнинг натижаси сифатида олиб қаралади.

Дастгоҳлар, асбоблар ва тиббий ускуналардан тортиб, то соатлар ва заргарлик буюмларигача, майший техника ва мебелдан то ошхона буюмлари ва кийим-кечаккача, архитектура қисмлари, интерьер ва транспорт воситаларидан то газламалардаги нақшларгача бўлган буюмларнинг кенг доираси, шунингдек, турли хил упаковкалар, фирма услубининг график элементлари, полиграфия буюмлари саноат намуналари деб эътирофэтилади.

Ҳар қандай саноат буюми, у хоҳ майший соҳага, хоҳ ишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлсин, саноат намунаси сифатида рўйхатга олиниши мумкин. Буларнинг орасида машиналар, дастгоҳлар, автомобиллар каби узоқ вақт давомида фойдаланиладиган буюмлар ҳам, шунингдек, мода талабларига кўра, шакли ва ташқи кўриниши тез-тез ўзгартирилиб турадиган “умри қисқа” саноат намуналари ҳам мавжуд. Биринчи навбатда бу енгил саноат буюмларининг аксарият қисмига ҳамда майший истеъмол предметларига (мавсумий кийим ва безаклар, газламалар, пойабзal, мебелларни қоплаш учун газламалар, чарм товарлар ва бошқ.) тегишилди.

Бир бутун яхлит буюм ҳам (масалан, музлатгич, автомобиль), унинг алоҳида тайёрланадиган ва сотиладиган бирон бир қисми бўлган буюм (масалан, даста, эшик, фара) ҳам, шунингдек, биргалиқда яхлит нарсани (масалан, мебель гарнитури, сервиз) ташкил қиласидиган буюмлар тўпламлари (комплектлари) ҳам саноат намуналарига мансуб бўлиши мумкин.


Саноат намуналари сифатида тайёр маҳсулотда кўзга кўринадиган, фақат ташқи аломатлари муҳофаза қилинади. Хусусан, шакл, контурлар, чизиқлар, ранглар уйғунлиги, материалнинг текстураси ёки фактураси, декор, шу жумладан, безаклар буюмнинг ташқи кўринишини ташкил қиласиди.

Буюмнинг бадиий-конструкторлик ечими ушбу буюмнинг ташқи кўринишини белгилайдиган муҳим аломатларининг мажмуи билан тавсифланади.

Саноат намуналари ҳажмли ва текис бўлиши мумкин.

Ҳажмли саноат намуналари уч ўлчамли ҳажмли-фазовий тузилишга эга бўлган композицияни ифодалайди.

Мураккаб композицияга эга бўлган ҳажмли бадиий-конструкторлик ечимлари (масалан, автомобиль (1-расм), дастгоҳ, қишлоқ ҳўжалиги машинаси, мотор, телефон аппарати ва ҳ.к.) ва моноблокли композицияга эга бўлган буюмлар (масалан, упаковка (2-расм), телевизор, радиоприёмник, шчитли прибор, кутича, мебель блоки ва ҳ.к.) фарқланади.



1-расм



## 2-расм

Текис саноат намуналари икки ўлчамли тузилишга эга бўлган композицияни ифодалайди, элементларнинг чизиқли-график мутаносиблиги билан таърифланади ва деярли ҳажмга эга бўлмайди (масалан, декоратив гилам, рўмол, мато ва бошқаларнинг ташки кўринишини белгилайдиган бадиий-конструкторлик ечимлари).

Текис саноат намуналарига, шунингдек, босма маҳсулот буюмлари ҳам киради. Агар талабнома берилган буюмнинг ташки кўриниши унга эстетик ўзига хослик, оригиналлик баҳш этадиган муҳим аломатлар билан таърифланса, бундай буюмлар саноат намунаси сифатида тан олиниши мумкин. Бу бутун бир китоб, муқовалар, тақвимлар (3-расм), этикеткалар, ёрлиқлар, наклейкалар дизайнни (бадиий безаги), шрифтларнинг шакли (харфларнинг чизилиши, безаги), пиктограммалар тизими (шартли белгилар ёрдамида предметлар, воқеалар ва ҳаракатларнинг тасвирланиши) ва ҳ.к. бўлиши мумкин.



## 3-расм

Агар босма маҳсулот буюми стандарт шрифт билан бажарилган тушунтириш ёзувлари ва маҳсус белгиларга эга бўлса-ю, бироқ унда бадиий-график безак иштирок этса, бундай обьект патентга лаёқатли бўлиши мумкин.

Шунингдек, хариталар (астрономик, топографик, юлдузларга оид, жўғрофий, автомобиль йўллари ва бошқалар) ва шаҳарлар режалари каби буюмлар ҳам босма маҳсулотга мансуб. Улардан фақат муайян график дизайнга эга бўлганлари ҳамда оригинал ранг ва график ечимга эга бўлган рангли график композиция кўринишида такдим этилганларигина патент муҳофазасини олиши мумкин.

Айрим кичик архитектура-курилиш шакллари, фрагментлари, деталлари ва интеръерлари саноат намунаси сифатида муҳофаза қилиниши мумкин.

Архитектура обьектларидан намунавий ечимлар, яъни эстетик қийматини йўқотиш хавфи бўлмай туриб, кўп миқдорда чиқарилиши мақсадга мувофиқ бўлган ҳамма нарса ҳуқуқий муҳофазага даҳлдор бўлиши мумкин. Енгил

қурилмалар (масалан, йиғиладиган ва бўлакларга ажраладиган боғ-дала ҳовли уйчалари, коттеджлар, гаражлар, бензин қуиши станциялари, спорт мажмуалари, болалар ўйин майдончалари), баъзи қишлоқ хўжалиги иншоотлари (масалан, омборлар, оғилхоналар), кўчма соқчилик иншоотлари, шунингдек, кичик архитектура шакллари ва интеръерлар мана шундай обьектлар қаторига киради. Кичик архитектура шаклларига масштаби бўйича инсон билан мутаносиб бўлган архитектура иншоотлари – транспорт бекатлари, телефон будкалари, киосклар, шийпончалар, перголлар, ротондалар, фавворалар ва шу каби буюмлар киради.

Интеръер деб, бино ёки иншоот ичида тўсувчи юзалар, мебель, ёритувчи арматура, асбоб-ускуналардан ҳосил қилинган функционал ва эстетик ташкиллаштирилган фазога айтилади. Интеръерларга, масалан, бошқариш кабиналари, барокамералар, кўчма лабораториялар, иссиқхоналар, телефон будкалари, дала ҳовли уйчалари ва шу кабиларнинг ечимлари киради.

Бир қатор буюмлар билан биргаликда фойдаланишга мўлжалланган ва мустақил тугалланган композицияга эга бўлган уч ўлчамили архитектура қурилиш фрагментлари ва деталлари ҳам (устунлар, гумбазлар, панжаралар, деразалар, эшиклар ва пештоқлар, балюстрадалар, устунлар, карнизлар, балконлар, деразалар учун часпаклар, эшик равоқлари, зинапоялар ва ҳ.к.), текис қурилиш буюмлари ҳам (қоплаш учун панеллар, безак учун плиткалар ва ҳ.к.) саноат намуналари сифатида патентланиши мумкин.

Шакллари муаяйян вақт давомидагина барқарор бўлган айрим ечимлар ҳам саноат намуналари сифатида муҳофаза қилиниши мумкин. Масалан, музқаймоқ каби озиқ-овқат маҳсулоти ташки қўринишининг ечимини олайлик. Ширин егулик бўлган музқаймоқ суюқ ҳолатда алоҳида қолипчаларга қўйилиши ва музлатилиши мумкин, яъни қандайдир вақт давомида у ўзининг алоҳида ҳажмли шаклини, масалан, арчага ўхшатма ёхуд контраст рангли ечимдаги оригинал конуссимон шаклдаги қўзиқоринча қўринишидаги шаклини сақлаб туради.

### **Саноат намунаси сифатида тан олинмайдиган ечимлар**

Талабнома материалларини расмийлаштиришдан аввал, талабнома берилган таклиф саноат намунаси сифатида ҳуқуқий муҳофаза тақдим этиладиган обьектларга тааллуқли эканлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Патентга лаёқатли бўлмаган саноат намуналари тегишли асосий низомлар саноат намунасига ҳуқуқий муҳофазани олишда хатолар ва кераксиз моддий чиқимларнинг олдини олиш имконини беради.

Патентга лаёқатли саноат намуналари сифатида тан олинмайдиган буюмларнинг рўйхатини муфассалроқ кўриб чиқамиз.

### **Хусусан босма маҳсулот**

Ўз қўринишига қўра босма маҳсулот текис саноат намунаси ҳисобланади ва элементларнинг чизиқли-график нисбати билан тавсифланади.

Саноат намунаси таърифининг ўзиёқ унда бадиий белгиларнинг мавжудлигини тақозо этади. Шунинг учун декоратив безак бўлмаган босма ва нашрий маҳсулот буюмлари саноат намунаси сифатида тан олинмайди ҳамда уларга ҳуқуқий муҳофаза берилмайди. Масалан, китоб саҳифасининг буткул босма матндан иборат бўлган қўриниши, оддий жадваллар, графиклар.

### **Архитектура обьектлари (кичик архитектура шакллари бундан**

## **мустасно), саноат, гидротехника ва бошқа муқим иншоотлар**

Йирик габаритли, муқим архитектура объектлари саноат намунаси сифатида тан олинмайди. Булар кўп қаватли турар жойлар, саноат иншоотлари, ноёб архитектура асарлари (масалан, театр, музей ва ҳ.к.).

Гидротехника иншоотлари, электростанциялар, кўприклар, кўприклар тиргаклари ҳам саноат намуналари ҳисобланмайди, чунки улар табиатдаги такрорланмас жой рельефига боғланган.

## **Суюқ, газсимон, сочилиувчи ёки уларга ўхшаш моддалардан иборат барқарор бўлмаган шаклга эга объектлар**

Дизайндан фойдаланиб яратилган объектлар ниҳоятда хилма-хилдир. Уларнинг орасида шундай ишланмалар борки, уларнинг шакли барқарор бўлмай, ўзгариб туради. Уларнинг ташқи кўринишининг ўзгариб туриш сабаби шундаки, уларни яратишда суюқ, газсимон ва сочилиувчи моддалар қўлланади. Улар ўзлари қуийладиган ёки солинадиган қобик, бирон-бир корпус шаклинигина қабул қилиши мумкин холос. Уларнинг ташқи кўринишида намунанинг асосий аломатларини ифода этган декоративлик ва эстетик жиҳат, бадиий хусусиятлар мавжуд бўлиши мумкин, бироқ улар гидравлик, ранг-оптик, ёруғлик-динамик ва кинематик эффектлар, динамик қайта ўзгартиришлар натижасида олинади. Уларнинг ташқи кўринишини визуал қайд қилиш мумкин эмас, ва шунга яраша “янги” ва “оригинал” дейиш қийин. Уларнинг нусҳаларини кўпайтириш қийин, чунки шаклиниг барқарор эмаслиги уларнинг ташқи кўринишини бадиий-конструкторлик воситалар ёрдамида ечиш имконини бермайди. Масалан, салютлар, фейерверклар, фавворалар, ёруғлик ва ранг билан безаш ва ҳ.к.

## **8-маъруза**

### **Товар белгиларини рўйхатга олиш**

#### **Режа**

1. Товар белгиси объектлари
2. Товар белгисининг патентга лаёқатлилик шартлари.
3. Талабномаларнинг тузилиши ва патентлаш тартиби.
4. Товар белгиси учун патент хужжатлари библиографияси.

#### **Товар белгиларининг муҳофазаси**

- Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиши белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисидаги» қонуни (30.08.2001 г. № 267-II, ўзгартиришлар 30.08.2002 г. № 405-II, 19.09.2007 й.)
- Товар белгиси ва хизмат кўрсатиши белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиши қоидалари (ЎР Адлия вазирлигига 29.07.2009 й. 1988-сон рўйхатга олинган)

Товар белгиси – бир юридик ва жисмоний шахсларнинг товарларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгидир.

Товар белгиларининг турлари:

- Сўзли (сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар)
- Тасвирий (жонли мавжудотлар, предметлар, табиий ва бошқа объектлар, чизиқлар, доғлар ва текисликдаги шаклларнинг композициялари (ҳажмилардан ташқари)).
- Ҳажмли (уч ўлчамли объектлар, шакллар ва шакллар ва чизиқларнинг комбинациялари киради)
- Жамлама (турли элементлардан иборат белгилар: сўзли, тасвирий, ҳажмли ва бошқалар)

Бошқа белгилар:

- товушли
- ёруғликдан иборат
- голография
- ҳидли

ва б.

Товар белгилари сифатида қўйидагилар рўйхатга олинмайди:

- ❖ Давлат герблари, байроқлари ва мукофотлари туширилган белгилар;
- ❖ Давлатларнинг расмий номлари, халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотларнинг тўлиқ ва қисқартирилган номлари;
- ❖ Расмий назорат, кафолат тамгалари, муҳрлар;
- ❖ давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари.
- ❖ Ўзига хос график тасвирга эга бўлмаган алоҳида ҳарфлар, рақамлардан иборат белгилар;
- ❖ Чизиқлар, оддий геометрик фигуранлар;
- ❖ Товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга топширилган талабномадаги товарларни белгилаш учун уларнинг ҳақиқий ёки схематик тасвирлари;
- ❖ Шакли фақат функционал вазифасидан келиб чиқадиган уч ўлчамли объектлар;
- ❖ товарларнинг умум эътироф этилган оддий номлари номлари шу товарларни белгилаш учун;
- ❖ Ташкилотлар, корхоналар, соҳаларнинг умум қабул қилинган номлари ва абривиатуралари;
- ❖ Муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар (маълум бир товар ёки турли ишлаб чиқарувчиларнинг шунга ўхшашиб турдаги товарлари учун узоқ вақт ишлатилганлиги туфайли тушунча бўлиб қолган белгилар);
- ❖ Умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар;
- ❖ Товарларни тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар (тури, сифати, миқдори, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги, қиймати, ишлаб чиқариш ва сотиш жойи ва санаси);

- ❖ Товар ёки унинг ишлаб чиқарувчиси тўғрисида ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;
- ❖ Товар келиб чиқсан жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бирон бир худудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;
- ❖ Маъданли сувлар, вино, спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўғрофий номлар ёки уларни ифодаловчи белгилар, ҳамда таржима ҳолда ёки “кўриниш”, “тур”, “усулда” каби сўзлар билан кўлланилса;
- ❖ Жамият манфаатларига, одамийлик ва аҳлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;

Талабнома қўйидагилардан иборат:

- Товар белгиси сифатида белгини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза
- Белги тасвири (5 та)
- Талабномани топшириш учун бож тўланганлигини тасдиқловчи хужжат
- Ишончнома (талабнома патент вакили орқали топширилганда)

## **9-маъруза**

### **Патент ахбороти**

Режа:

1. Патентхужжатлари.
2. Патентгабоғлиқадабиётлар.
3. Патентахборотинингтехникватижоратахборотманбаисифатидагиафзаллик лари.
4. Патентхужжатлариминимуми.
5. Патентахборотиқидирувини олибборишвазифасинитанланиши.
6. Патентбюллетениваунимазмуни.

Тузилиши жиҳатидан патент ахбороти шартли равища қўйидаги ахборот ресурсларига бўлинади:

- Патент хужжатлари, у ўз ичига расмий чоп этилган патент олиш учун берилган талабномалар ёки патент берилган ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг тавсифлари, шунингдек рўйхатга олинган товар белгилари тўғрисидаги маълумотларни олади. Қайд этиб ўтамизки, кўп мамлакатларда патент олишга берилган талабномалар Патент идоралари ўтказадиган ва талабнома берилган ихтиrogaga қарши бўлган бир қатор материалларни ўз ичига оладиган патент қидируви тўғрисидаги хисоботлар билан бирга нашр этилади
- Патентга боғлиқ адабиётлар, у дастлабки патент хужжатлари: рефератлар, аннотациялар, формула бандларини таҳлилий-синтетик қайта ишлаш натижасидаги турли материаллардан иборат бўлади. Бундай материаллар одатда, таркибидағи ахборотнинг характеристери ва мақсадига кўра ихтисослашган турли

рефератив тўпламларда, масалан, библиографик, рефератив ёки обзорларда чоп этилади.

Патент ахборотининг техник ва тижорат ахборот манбай сифатидаги юқорида санаб ўтилган афзаликларига патент хужжатларининг қуийдаги ўзига хос хусусиятлари туфайли эришилади:

Барча патент хужжатлари бир хил тузилишга эга. Ҳар бир ихтиро тавсифида ихтириодан олдинги техника даражаси очиб берилади ва ихтиронинг ушбу техника даражасига қўшган ҳиссаси (унинг янгилиги) ажратиб кўрсатилади. Бу патент хужжатидан фойдаланувчига бошқа илмий-техник адабиётларни ўрганмасдан туриб ҳам ихтирони таҳлил қилиш имконини беради, шунингдек шу соҳанинг технологик ривожланиш тарихини очиб беради.

1. Патент хужжатлари фақат ғоянинг ўзини очиб берибгина қолмайди, балки, одатда, уни саноатда амалий қўлланиш имконияти тўғрисидаги муфассал ахборот (муайян мисоллар)ни беради. Аксарият ҳолларда патент хужжатлари бошқа адабиётларда чоп этилмайдиган ахборотларни беради. Масалан, Америка мутахассисларининг баҳолашича, АҚШ патентларида очиб берилган технологияларнинг камидаги 70 % патент адабиётларидан бошқа адабиётларда очиб берилмаган.

2. Патент хужжатлари тасниф рамзларига эга бўлиб, улар патент хужжатларини уларнинг мазмуни қайси техника соҳасига тегишли бўлса, шу соҳага мувофиқ таснифлаш (тўлиқроқ кейинги бўлимга қаранг) имконини беради. Бу эса ахборот қидирувини осонлаштириш учун патент ахбороти массивларига ишлов бериш ва системалаштириш имконини беради.

3. Барча патент хужжатлари библиографик маълумотлар билан таъминланади, уларда хуқуқий маълумотлар, масалан, патент берилган сана, ихтиронинг устуворлик санаси, талабнома берувчи тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар келтирилади. Патент хужжатларини қидириш ва ишлов беришни енгиллаштириш учун библиография умумқабул қилинган маҳсус кодлар бўйича системалаштирилади (тўлиқроқ кейинги бўлимга қаранг).

4. Патентлар таркибида реферат бўлиб, у ахборот қидирувини тезда, ихтиро тавсифи ва формуласига фақат зарурият түғилгандагина бевосита мурожаат қилган ҳолда, амалга ошириш имконини беради.

5. Тасниф рамзларининг мавжудлиги ва библиографик маълумотларнинг кодланиши автоматлаштирилган маълумот-ахборот тизимлари, маълумотлар базаларини яратиш имконини беради, улардан ахборот тадқиқотлари ўтказишида кенг фойдаланилади.

БИМТнинг статистик маълумотларига кўра жаҳонда бир йилда бериладиган талабномалар сони 1,5 млн.дан ошади. Ярим миллиондан ортиқ талабнома патентга айланади. Бугунги кунда дастлабки патентлар пайдо бўлган вақтдан бошлаб қанча патент хужжатлари чоп этилганлиги тўғрисида аниқ статистик маълумотлар йўқ. Лекин таҳминан уларнинг сони 40 млн. дан ортиқни ташкил этади. Табиийки, патент хужжатларининг асосий қисми етакчи индустрисал ривожланган мамлакатларга тўғри келади.

БИМТ стандартлари (РСТ шартномалари) билан ихтиrolарга патент берилиши сўралган талабномалар бўйича патент-ахборот қидируви ўтказишида


Патент идоралари (шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси) таянадиган патент ҳужжатлари минимуми белгиланган. Ушбу минимум ўз ичига 1920 йилдан бошлаб Буюк Британия, Германия, Россия (собиқ СССР билан бирга), АҚШ, Франция, Швейцария (факат француз ва немис тилларида) ва Японияда нашр этилган патент ҳужжатларини олади. Бу минимумга шунингдек европа патент идораси нашрлари ва БИМТ нашр қиласидаган РСТ халқаро патент талабномалари киради.

Ахборот қидибуви техниканинг у ёки бу соҳаси ривожланган бошقا мамлакатлар бўйича ҳам ўтказилиши мумкин. Ўзбекистон патентини олиш учун талабнома берувчилар албатта Ўзбекистон Патент ҳужжатлари бўйича ахборот қидибуви ўтказишлари шарт. Патент ахбороти қидибуви олиб бориши мамлакати қидибувнинг вазифасидан келиб чиқиб танланиши керак. Масалан, ихтирони Австралияда патентлаш мўлжалланаётган бўлса, ахборот қидибуви ўз ичига Австралия патент ҳужжатларини олиши зарур.

Барча мамлакатларнинг Патент идоралари чоп этилган патент ҳужжатлари билан ишлашни енгиллаштириш, хусусан патент қидибуви ўтказишни тезлаштириш учун ахборотнинг энг муҳим манбаларидан бири ҳисобланадиган расмий патент бюллетенларини нашр этадилар. Патент бюллетенлари, одатда, журнал шаклида чоп этиладиган даврий нашрлар ҳисобланади. Масалан, АҚШ, Германия, Россия каби мамлакатларда улар ҳар ҳафтада мунтазам равишида чиқиб туради. Бюллетенлар уларда чоп этиладиган маълумотларнинг характеристига кўра Патент идорасининг тегишли вақт мобайнидаги патент иш юритиши бўйича фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлардир.

Ҳар бир патент бюллетени, одатда қўйидаги ахборотларни чоп этади:

1. Янги талабномалар ва ўз ичига тўлиқ библиографик маълумотлар ва ихтиро рефератини олган патентлар тўғрисидаги маълумотлар. Бир қатор мамлакатларда (масалан, Ўзбекистон ва Россияда) патентлар учун реферат ўрнига ихтиро формуласи чоп этилади. Саноат намуналари ва товар белгиларини рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотларни чоп этишда бюллетенларда бу объектларнинг тасвирлари келтирилади. Кўпинча ихтиrolар, саноат намуналари ва товар белгилари тўғрисидаги маълумотлар алоҳида чоп этилади, яъни саноат мулкининг ҳар бир обьекти бўйича алоҳида бюллетен нашр этилади.



2. Патентларнинг ҳуқуқий мақомида юз берган барча ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар. Масалан, бож тўланмаганлиги ёки патентдан воз кечиш сабабли патентнинг амал қилишини тўхтатиш, патентнинг амал қилишини қайта тиклаш, патент бўйича литсензия шартномалари тузиш ёки талабномаларни патент иш юритишининг барча босқичларида бошқа шахсларга ўтказиш, патент бўйича апеллятсия ёки суд қарорлари ва ҳоказо;

3. Бюллетенда келтириладиган барча патент ҳужжатлари ахборотни қидириш ва ишлов беришни енгиллаштириш мақсадларида ҳужжат номери ва таснифлаш индекси бўйича системалаштирилади (тартибга солинади).

Патент ахборотининг бошқа манбаи кўрсаткичлар бўлиб, улар элементларидан бири бўйича тартибга солинган патент ҳужжатлари тўғрисидаги танлаб олинган библиографик маълумотлар рўйхатидан иборат. Йайси элементи бўйича тартибга солинишига кўра кўрсаткичлар қўйидагиларга бўлинади:

- номерли (талабнома ёки патентларнинг номерлари бўйича сараланган, ҳужжат номери ва таснифлаш индексидан иборат);
- систематик (таснифлаш индекси бўйича сараланган, таснифлаш индекси, ҳужжат номеридан иборат);
- номли (фирмалар номи бўйича) - талабнома берувчилар, патент эгалари ёки ихтирочиларнинг исми-шарифи бўйича сараланган (номи ва ҳужжат номеридан иборат).

Патент бюллетенларининг охирида жойлаштириладиган ва уларнинг таркибий қисми бўлган кўрсаткичлар таркибий кўрсаткичлар дейилади. Патент идоралари шунингдек тегишлича расмий бюллетенларнинг йиллик тўплами ёки бир неча йил бўйича маълумотлар нашр этиладиган тўпламга йиллик ёки якуний кўрсаткичларни ҳам нашр этади.

Патент ҳужжатлари ва патент бюллетенлари барчанинг фойдаланиши учун кутубхоналар ва ихтисослашган патент жамғармаси тарқатилади.

➤ Тартибга солинган ва автоматлаштирилган маълумот - қидирув тизими билан жиҳозланган патент ҳужжатлари ва бошқа патент адабиётлари сақланадиган жой патент жамғармаси (фонди) деб аталади.

Ўзбекистоннинг бош патент фонди Давлат патент кутубхонаси (Тошкент ш.) ҳисобланади. Бу фондда жаҳоннинг 57 дан ортиқ мамлакатидан тўпланган ихтиrolарнинг тавсифлари ва патент бюллетенлари сақланади. Бу ерда шунингдек турли рефератив тўпламлар, масалан, Жаҳон мамлакатлари ихтиrolари, интеллектуал мулк обьектлари бўйича бошқа обзор нашрлар мавжуд. Патент фонди мутахассисларнинг патент ҳужжатларини бевосита ўрганишлари, шунингдек сўровлар бўйича уларнинг нусхаларини тайёрлаш учун мўлжалланган.

ХХ асрнинг 80-йилларигача Патент фондларида ахборотлар асосан қоғозларда сақланарди. Маълумки, қоғозлардаги ахборотнинг асосий афзаллиги истеъмолчининг фойдаланиши учун қулайлиги дадир. Лекин бундай ахборотнинг ноқулай томонлари ҳам бор, масалан уни масофага узатиш қийинлиги, фондларнинг микдори кўпайиши ва уларни сақлаш учун майдонларнинг етишмаслиги кабиларни кўрсатиш мумкин. 80-йиллардан бошлаб фондлар патент ахборотини сақлаш учун микрофотоелтувчиilar (шаффоф плёнка)дан фаол фойдаланишга ўта бошлади. Вазифасига кўра микроелтувчиilarнинг турлари: микрофил млар, микрофишлар, аппертура карталаридан фойдаланилди. Ўз вақтида бу ахборот элтувчиilarнинг ахборотни жойлаштириш зичлиги бўйича тенги бўлмаган ва патент ҳужжатларини сақлашнинг

универсал воситаси ҳисобланган. Бундай ахборотни күриш ва ундан нусха олиш учун тегишли диапроекторлардан фойдаланилган.

Лекин XX асрнинг 90-йилларида комп ютер технологияларининг ривожланиши билан микроелтувчилар ўрнига патент ахборотининг янги элтувчилари - (СД - РОМ) оптик дисклари пайдо бўлди. Оптик дискларнинг афзаллиги ахборотни жуда зич жойлаштириш (дискнинг ўртача ҳажми 600 Мб га тенг, яъни битта дискда мингдан ошиқ ихтиро тавсифини жойлаштириш мумкин!), шунингдек ахборотни қидириш ва ишлов бериш учун комп ютер дастурларидан фойдаланиш имконияти мавжудлигидадир. Оптик дисклардан фойдаланиш анъанавий элтувчиларга нисбатан патент қидиувлари ўтказиш самарадорлигини юзлаб марта ошириш имконини беради.

Хозирги вақтда деярли барча етакчи мамлакатларнинг Патент идоралари патент ҳужжатларини оптик дисларда чиқаришга ўтди. Дискларда фақат талабномалар ва патентлар бўйича ихтиrolар тавсифлари эмас, балки ҳуқуқий ҳужжатлар, турли мавзувий маълумотлар базалари ва бошқалар ҳам чиқарилмоқда. Айниқса европа Патент идорасининг эСПАСЕ СД-РОМ оиласи ахборот маҳсулоти ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маҳсулоти кенг тарқалган. У, масалан, оптик дискларда патентга алоқадор адабиётлар (ЖОПАЛ) ва халқаро товар белгилари (Ромарин) бўйича муентазам чиқариладиган журнал (маълумотлар базалари)ни нашр этади.

XX асрнинг охирларида Бутунжаҳон Интернет тарқалиши муносабати билан патент ахборотидан фойдаланиш ва унга ишлов бериш самарадорлигини оширишда янги босқич бошланди. Янги ахборот технологиялари ва коммуникатсияларининг жорий этилиши бир вақтнинг ўзида сони чегараланмаган истеъмолчиларнинг патент ахбороти бўйича маълумотлар базалари заҳираларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар очиб берди. Йирик маълумотлар базаларининг ривожланиши билан патент ахборотининг элтувчилари сифатида оптик дисклар ва кичик патент фонdlарига эҳтиёж пасаяди. Ҳар бир фойдаланувчи ўз иш жойини тарк этмаган ҳолда ўзининг комп ютери орқали керакли ахборотни осон топиши мумкин. Бугунги кунда энг тўлиқ ва фойдаланиш учун қулай маълумотлар базалари қуидагилардан иборат:

- ЕРО-еспасенет (манзили: <http://www.epo.org/espassenet>), у орқали европа Патент идорасининг патент ҳужжатлари, РСТ, европа мамлакатлари, шунингдек АҚШ, Япония, Канада ва бошқа мамлакатларнинг талабномаларини қидириш мумкин;
- БИМТ маълумотлар базалари (<http://ипдл.випо.инт>), унда РСТ талабномалари, АҚШ, европа, Лотин Америкаси мамлакатлари патент ҳужжатлари мавжуд;
- АҚШ Патент идораси маълумотлар базалари (<http://www.uspto.gov/ web/меню/>), у 1976 йилдан бошлаб тўпланган тўлиқ матнли ва рефератив маълумотлар базаларидан фойдаланиш имконини беради;
- Россия Саноат мулки федерал институти маълумотлар базалари (<http://www.фипс.ру>), у ахборотни рус тилида қидириш учун қулайдир;
- Дервент фирмасининг маълумотлар базалари (<http://www.дервент.ком/>), у 1963 йилдан бошлаб тўпланган фарматсевтика бўйича ҳужжатлар, 1965 йилдан бошлаб тўпланган қишлоқ хўжалиги ва ветеринария бўйича ҳужжатлар, шунингдек жаҳоннинг 40 дан орти мамлакатидан бошқа тармоқлар бўйича талабнома ва патентларни ўз ичига олади.

Жаҳон маълумотлар базаларига кириш учун Интернет тармоғидан фойдаланиш патент ахборотини тезкор қидириш ва ишлов бериш учун янги имкониятлар очиб беради.

## **10-маъруза**

### **Патент кооперация (PCT) шартнома тартиби**

Режа:

1. РСТ шартномаси бўйича халқаро талабномани топшириш
2. РСТ шартномаси бўйича миллий талабномани топшириш

Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (РСТ шартномаси) 1970 йилнинг 25 майидан 19 июнигача Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган Дипломатик конференцияда имзоланган, 1978 йил 1 июндан кучга киритилган.

Шартнома Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) Халқаро бюроси томонидан бошқарилади.

Шартноманинг асосий вазифалари ихтиrolарга патент олиш учун бир неча мамлакатларга мурожаат этилганда ўтказиладиган патент процедураларини соддالаштириш ва шунингдек, патент тизимидан фойдаланувчилар ва патент идораларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда улар самарадорлигини ошириш ҳамда иқтисодий жиҳатдан тежамкорликка эришиш.

РСТ шартномаси бўйича халқаро талабномани топширишдан бошлаб ихтиронинг патентга лаёқатли эканлиги ҳакида қарор қабул қилингунга қадар бўлган патентлаш процедураси иккита фазага бўлинади:

халқаро ва миллий фазаларга.

Халқаро фаза қуйидаги процедуралардан иборат:

- халқаро талабномани битта Қабул қилувчи идорага топшириш;
- Расмий экспертизанинг фактат Қабул қилувчи идора томонидан ўтказилиши;
- Халқаро патент қидируви органларининг биттаси томонидан халқаро патент қидируви ўтказилиши,
- Халқаро патент қидируви ҳисоботи ва ихтиронинг патентга лаёқатлиги ҳакида ёзма фикр-мулоҳазалар тайёрланиши;

БИМТ Халқаро бюроси томонидан халқаро талабномани Халқаро патент қидируви ҳисоботи билан биргаликда марказлашган тарзда чоп этиш ва талабнома берувчи халқаро талабнома асосида патент олмоқчи бўлган миллий (ёки регионал) идораларга тарқатиш.

- Халқаро дастлабки экспертиза органларидан биттаси томонидан халқаро дастлабки экспертизани ўтказиш ва халқаро дастлабки экспертиза хулосасини тайёрлаш.

Юқорида келтирилган босқичлардан биринчи түрттаси мажбурий яъни албатта бажарилади, охиргиси эса талабнома берувчининг истагига кўра ўтказилади.

Шартнома асосида халқаро патент берилиши кўзда тутилмайди, яъни Шартнома ихтирога талабномани миллий идораларда кўриб чиқилишидан олдинги оралиқ босқичдан иборат бўлиб, талабномани миллий идораларда кўриб чиқилиши ва патент берилиши ўрнини босмайди.

Миллий фаза – халқаро талабнома кўриб чиқилишининг иккинчи фазаси бўлиб, унда ҳар бир мамлакатнинг миллий патент қонунчилигига мувофиқ ихтиронинг патентга лаёқатлиликка экспертизаси ўтказилиши кўзда тутилади.

Шартноманинг афзалликлари:

- РСТ процедураси бўйича битта патент идорасига (Қабул қилувчи идорага) бир тилда битта “халқаро” талабнома тоширилиши етарли эканлиги. Акс ҳолда талабнома берувчи нечта давлатда патент олмоқчи бўлса уларнинг талабларига мувофиқ шунча талабнома топшириши керак бўларди.
- Миллий фазага кириш учун максимал муддат устуворлик санасидан 30-31ойлик муддатни ташкил этганлиги сабабли талабнома берувчи талабномани миллий фазага ўтказиш учун маълум вақт заҳирасига эга эканлиги.
- Мажбурий равища халқаро патент қидируви ўтказилиши ва талабнома берувчининг истагига кўра Халқаро дастлабки экспертиза ўтказиш мумкинлиги.
- Халқаро патент қидируви ҳисоботида ва Халқаро дастлабки экспертиза хулосасида келтирилган маълумотлар натижасида талабнома берувчида ўзининг ихтиросини патентлашни давом эттириш мақсадга мувофиқлигини миллий идораларга топшириш, патент божларини тўлаш каби харажатлардан олдин баҳолаш имконияти.
- Талабнома материалларини расмийлаштириш-га бир хил талаблар ишлаб чиқилганлиги.

Халқаро талабномани устуворлик санасидан 18 ой ўтгандан сўнг марказлашган тарзда чоп этиш ва РСТ шартномасига аъзо бўлган барча мамлакатларга тарқатиш кўзда тутилганлиги.

Ихтирони патентлашга қизиқиши йўқолган ҳолда халқаро талабномани халқаро фазада чиқариб олиш ва харажатларни олдини олиш имконияти мавжудлиги.

РСТ процедураси бўйича халқаро патент-лаш ихтирога бир неча мамлакатларда патент олиш режалаштирилган ҳолда мақсадга мувофиқдир.

Шартноманинг ваколатли халқаро органлари:

- БИМТ Халқаро бюроси;
- Қабул қилувчи идора;
- Халқаро патент қидируви органи;
- Халқаро дастлабки экспертиза органи.

РСТ шартномасининг меъёрий-хуқуқий хужжатлари

- Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома;

- Патент кооперацияси тўғрисидаги шартномага йўриқнома;
- Патент кооперацияси тўғрисидаги шартномага маъмурий йўриқномалар.
- Қабул қилувчи идоралар учун қўлланма;
- Халқаро патент қидирувини ўтказиш бўйича қўлланма;
- Халқаро дастлабки экспертизани ўтказиш бўйича қўлланма;
- Рефератларни тузиш бўйича қўлланма;
- Талабнома берувчи учун қўлланма.

Маъмурий йўриқномалар халқаро талабномаларни рақамлаш тартиби, аризалар ва Халқаро бюро, Қабул қилувчи идоралар, Халқаро патент қидируви органи, Халқаро дастлабки экспертиза органи томонидан олиб бориладиган ёзишмалар бланклари шакллари, ҳисобот ва хулоса шакллари каби ва бошқа масалаларни тартибга солади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Джумаходжаев А.З. Патентоведение. Учебник для ВУЗов. Изд. Мехнат, 2001 г.
2. "Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тоъгърисида"ги Оъзбекистон Республикаси Қонуни. - 2003 йил.
3. Правила составления и подачи заявок на изобретения и полезные модели – Патентоведение. Ведомство Республики Узбекистан. Ташкент, 2003 г.
4. Прахов Б.Г. Зенкин Н.М. Изобретательство и патентоведение 2-е изд. Киев. Техника, 1988 г.
5. Патентоведение. Учебник для ВУЗов. Под. Ред. В.А.Рясенцева, авт. Артемов Е.И. и др. 3-е изд. М.: Машиностроение, 1984 г.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги

---

---

Наманган муҳандислик – технология институти

«Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси» кафедраси

**«ПАТЕНТШУНОСЛИК, ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ»**

фанидан амалий машғулотларни бажариш учун

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**



Наманган-2021

## **«Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш»**

Услубий қўлланма «Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш» фани бўйича олий ўқув юртларининг магистратура мутахассисликлари учун мўлжалланган бўлиб, кўрсатмадан тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар хам фойдаланишлари мумкин

Тузувчилар: А.Саримсаков

Тақризчилар: Р.Мурадов, НамМТИ, профессор  
И.Азизов НамМТИ, дотцент

Намangan муҳандислик – технология институти ўқув–услубий кенгашининг 2021 йил даги йиғилишида тасдиқланган ва чоп этиш учун тавсия этилган (\_-баённома).

## МУНДАРИЖА

<b>№</b>	<b>Фан мавзуларининг номи</b>	<b>Бетлар</b>
1	Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш фанининг мазмун, предмети ва модели	4
2	Интеллектуал мулкни муҳофазалашнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари	9
3	Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулкни муҳофазалашнинг ҳуқуқий асослари	18
4	Интеллектуал мулкнинг турлари ва объеклари	21
5	Ихтирога патент олиш учун талабномаларни расмийлаштириш қоидалари	25
6	Фойдали моделга патент олиш учун талабномаларни расмийлаштириш қоидалари	27
7	Саноат намунасига патент олиш учун талабномаларни расмийлаштириш қоидалари	33
8	Товар белгисига патент олиш учун талабномаларни расмийлаштириш қоидалари	37
9	Патент божлари ва уларнинг тариф ставкалари билан танишиш	40

1-Амалий машғулот

**Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш фанининг  
мазмун, предмети ва модели**

Режа:

1. Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш фанининг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари. Интеллектуал мулк хуқуқи ва жамиятнинг ривожланиши.
2. Интеллектуал мулк обьектлари (ИМО) ни таснифлаш. Асосий тушунча ва атамалар.
3. Интеллектуал мулк обьектларини муҳофазалаш тамойиллари.

1. Одамзот ўз табиатига кўра жисмоний жиҳатдан энг мукаммал мавжудод эмас, лекин инсонда энг қучли имтиёз – унинг интеллекти мавжуд.

Интеллект – инсонни ҳайвонат дунёсидан ажратиб турадиган асосий белги бўлиб ривожланишни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаради. Интеллект сўзи лотинча **интеллестус** сўзидан келиб чиққан бўлиб [1], инсон ақли, онги, фикрлаш қобилиятини билдиради. Инсон ҳаётининг мақсади – энг яхши нарсаларга интилишдир. Ибтидоий тузумдан, яъни илк меҳнат қуроллари яратилгандан бошлаб инсон ҳар доим ўзининг турмуш тарзини яхшилаш, ўз ижодий салоҳиятини ошириш йўлларини тинимсиз излаб келган. Шунинг учун ҳам қадим замонлардан инсоният жамиятида биринчи олимлар, ихтирочилар, рассомлар ва мусиқачилар пайдо бўлган. Улар инсонлар ҳаёти ва турмушини энгиллаштирувчи асбоб-ускуналар ихтиро қилишган, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигини ўзлаштириб, атроф муҳитдан ҳимояланиш учун уйлар қуришган, юкларни ташиш воситаларини ўйлаб топиб, дэнгиздан сузиш учун кемасозлик билан шугулланишган ва бу билан техник, иқтисодий ва маданий тараққиётни таъминлаб келишган.

Интеллектуал фаолият инсоният жамияти ривожланишининг асосий сабабидир. Интеллектуал фаолиятнинг энг муҳим турлари фан, санъат ва техник ижодиёт, ҳалқлар ва миллатлар, давлат ва тсивилизатсиялар ривожининг доимий йўлдошидир.

Инсоният жамияти ўз бошидан қулдорлик, феодализм, капитализм, сотсиализмни кечирди. XXI асрнинг бошида, асосий ривожлантирувчи кучи рақобат бўлган бозор иқтисодий тизим эканлиги тан олинди.

Ҳамма вакт ҳам рақобат курашида ким интеллектуал имкониятлар ва интеллектуал фаолият натижаларидан унумли фойдалана олса фақат ўша муваффақиятга эришиши мумкин.

Бундан шундай мантиқий хулоса чиқадики, инсоннинг билим олиш,

ихтиро қилишга табиий интилиши ва ижоди маҳсулидан иқтисодий самара олиниши бир-бирига мос келгандагина у ўзининг ижодий салоҳиятидан оқилона фойдалана олади, шу боис доимий изланишдан манфаатдор бўлади.

Фақат мулк эгасигина ўз мулкидан юқори даражада самарали ва оқилона фойдаланиб, уни бошқара олади. Бундай иқтисодий рағбатлантиришнинг энг мақбул усули шундан иборатки, инсон ўз интеллектуал салоҳияти натижаларига мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиши, яъни интеллектуал мулкка эгалик қилиши керак. Зеро ундан бошқа ҳеч ким бу натижаларга хўжайнлик қила олмасин. Фақат унинг ўзигина интеллектуал ижоди натижаларидан ўз истагича фойдаланиш ва бошқа шахсларга сотиш борасида мутлоқ ҳуқуққа эга бўлади [2].

Шу ерда биз ҳозирги вактда жаҳондаги энг муҳим тушунчалардан бири ҳисобланган интеллектуал мулк тушунчасига дуч келамиз. Хўш интеллектуал мулкнинг ўзи нима ва уни қандай ўлчаш мумкин?

Энг аввало интеллектуал мулк интеллектуал фаолият натижасидир. Барча интеллектуал фаолият ҳам интеллектуал мулк бўла олмаслиги аниқ. Инсон фикрлайди, унинг хаёлида беҳисоб ғоялар, лойиҳалар туғилади, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётда амалга ошмай қолиб кетади. Фақат бошқалар томонидан объектив равишда қабул қилинадиган, яъни ўзининг муайян чегараларига эга бўлган ғоя ва фикрларгина мулк бўла олиши равшандир.

Интеллектуал фаолиятнинг кейинчалик қандайдир бирор-бир объектив (моддий) шаклда ифодалана оладиган натижаларигина интеллектуал мулк бўлади деб айтиш мумкин.

Бунда иқтисодий ривожланишдан манфаатдор давлатнинг асосий вазифаси ҳар бир кишининг ўз интеллектуал мулкига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуки ишончли муҳофазаланадиган тизимни таъминлашдан иборат.

Интеллектуал мулкнинг ўзига хос хусусияти ўз эгаларига фойда келтиришдан иборат, демак, мулк эгаларининг ўз мулкига мутлок ҳуқуки муҳофазаланган ҳолдагина бутун жамият фойдасига хизмат қила олади. Хулоса шуки, интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя қилмасдан туриб XXI асрда илмий - техниканинг ривожланишига кэнг йўл очиб бўлмайди.

Лекин интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя этиш билан масала охиригача ҳал бўлмайди. Жаҳонда ноҳалол рақобат кураши тобора авж олиб бораётгани кузатилмоқда. Ҳар бир давлат ноҳалол рақобат курашнинг олдини олиш учун қандай механизмларни ишга солиши керак? Тарихдан маълумки энг ишончли механизм бу ҳуқуқ бўлиши мумкин, зотан айнан ҳуқуқий механизмлар интеллектуал мулкни муҳофазалашга ишончли ва маданий ёндашувни таъминлайди.

Лекин давлат томонидан кафолатланадиган ишончли муҳофаза бу масаланинг бир томони холос. Халқимизнинг доно ибораси бор - “холва деган

билинг муҳим таркибий қисми муайян кишиларнинг ўз хукуқларини билиши ва бу хукуқлардан амалиётда фойдалана олишидир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши учун исталган касбдаги ҳар бир ижодкор киши келажақда ўзининг интеллектуал мулкидан самарали фойдаланиш йўлларини аниқ тасаввур этиши жуда муҳимдир.

2. Интеллектуал фаолият одатда жуда кўп қиррали бўлиб кэнг миқёсда ўзгариб туриши мумкин. Фан, санъат, техник ижодиёт – буларнинг барчаси интеллектуал меҳнат турларидир.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) қуидагиларни ҳақли равишда ўзининг шиори деб эълон қилди: Инсоният даҳоси жами санъат асарлари ва ихтиrolарнинг манбаидир. Бу асарлар инсонга муносиб ҳаёт кафолатидир. Барча турдаги санъат асарлари ва ихтиrolарни ишончли ҳимоялаш ҳар бир давлатнинг бурчидир.

Интеллектуал мулк обьектларини кўриб чиқар эканмиз, шуни қайд этиш мумкинки, интеллектуал мулкда обьектларнинг икки грухси алоҳида ажралиб туради: санъат билан боғлиқ бадий асарлар ва санъат тармоғи – хусусан янги буюмлар, товарлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва бозорга таклиф этиш билан боғлиқ обьектлар.

Айнан ана шу вазиятлар XX асрда жаҳонда умум қабул қилинган халқаро хукуқий стандартлар шаклланишига олиб келди, шунга мувофиқ интеллктуал мулк ўз ичига икки асосий хукуқлар соҳасини олади [3]:

- муаллифлик ва турдош хукуқлар, унга мувофиқ илмий, адабий, мусиқий, бадий, фотография ва аудиовизуал асарларга хукуқлар, шунингдек фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва ижрочилар, эфир ва кабел эшииттиришлари ташкилотларининг хукуқлари ҳимоя қилинади;

- саноат мулки, у ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, шунингдек товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари, товарларнинг келиб чиқиш жойи, фирма номларига хукуқларни ўз ичига олади.

Санаб ўтилган барча муайян хукуқий муҳофаза обьектлари, хусусан, бадий асарлар ва санъат турлари, ихтиrolар, товар белгилари, ЭҲМ учун дастурлар ва ҳоказолар интеллектуал мулк обьектлари деб аталади [4].

*Муаллифлик* ҳукуқи адабиёт, фан ва санъат асарлри ўзининг аниқ ифодасини топган шаклни муҳофаза қиласи. Бундай ифодалаш шакли сўз, тимсоллари, мусиқа, сурат, уч ўлчовли предметлар ёки бундай шаклларнинг комбинатсияси (масалан, кинофилм ёки театр пос-тановкаси, опера) бўлиши мумкин. Муаллифлик хукуқлари асарларнинг исталган турини маҳсус рухсатсиз (муаллиф розилигисиз) нусха кўчириш, кўпайтириш ва бошқа усулда қайта

тиклашдан муҳофазалайди [5].

*Саноат мулки, муаллифлик хуқуқидан фарқли равища бевосита ғояни, хусусан буюмнинг турли шаклларда кўп марта қайта ишлатилиши мумкин бўлган техник, бадий ва бошқа моҳиятларни муҳофаза қиласди.*

Патент давлат номидан саноат мулки обьектига бериладиган ва муайян ҳудудда муайян вақт оралиғида амал қиласдиган муҳофаза ҳужжатидир.

## 2- Амалий машғулот

### **Интеллектуал мулкни муҳофазалашнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари**

Режа:

1. Патент хуқуқининг ривожланиш тарихи. ИМО ни муҳофазалаш соҳасида Ўзбекистон қонунчилиги. Алоҳида хуқуқлар.
2. Муҳофаза ҳужжатларининг турлари. Муҳофаза муддатлари.
3. Интеллектуал мулк обьектларини муҳофазалаш соҳасида халқаро кооператсия

1. Мамлакатимизнинг асосий қонуни Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясидир. Конститутсия Ўзбекистон қонунчилигини ишлаб чиқишининг асосий қоидаларини белгилаб беради. Бизнинг интеллектуал мулк обьектларини хуқуқий муҳофазалаш соҳасида амалдаги қонунчилигимиз бевосита мулкка эгалик ва илмий-техник ижодиёт эркинлиги хуқуқлари акс этган Конститутсиянинг IX бўлими 36 - ва 42 - моддаларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган.

Интеллектуал мулк обьектларини яратиш, муҳофазалаш ва фойдаланиш билан боғлиқ хуқуқий муносабатлар фуқаролик хуқуқи соҳаси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк хуқуқларини муҳофазалаш билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қуйидаги қонунлар амал қиласди:

1996 йил 30 августда қабул қилинган “Муаллифлик хуқуқлари ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги қонун;

1994 йил 6 майда қабул қилинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонун;

1993 йил 7 майда қабул қилинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган “Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида”ги қонун;

1994 йил 6 майда қабул қилинган “ЕХМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни хуқуқий муҳофазалаш тўғрисида”ги қонун;

1996 йил 30 августда қабул қилинган “Селектсия ютуқлари тұғрисида”ти қонун;

2001 йил 12 майда қабул қилинган “Интеграл микрочизмалар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш тұғрисида”ти қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ давлатимизда интеллектуал мулк соҳасида ваколатли қуидаги ташкилотлар фаолият күрсатади:

Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасидаги масалаларни тартибга солувчи Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича агентлик;

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, унинг вазифаси саноат мулки обьектларини муҳофазалаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Муаллифга шунингдек муаллифлик номи ҳуқуқи ҳам берилган бўлиб, унга мувофиқ муаллиф ўз обьектига ўзининг номи ёки бошқа номни бериши ҳуқуқига эга.

Интеллектуал мулк обьектларига мулкий ҳуқуқлар фуқаро ёки юридик шахснинг шу обьектга алоҳида ҳуқуқлариdir. Фақат алоҳида ҳуқуқлар эгаси интеллектуал мулк обьектидан бошқа шахслар фойдаланишига рухсат бериши ёки ман қилиши мумкин.

Алоҳида ҳуқуқлар фақат қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва факат интеллектуал мулк обьектларидан меъёрида фойдаланишга ҳамда унинг эгасининг қонуний манфаатларига заарар етказилмаган тақдирдагина чекланиши мумкин.

Алоҳида ҳуқуқлар қуидаги ҳолларда чекланиши мумкин:

- Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари таркибидаги қурилмаларни бошқа давлат, Париж конвентсияси иштирокчисининг транспорт воситасида, бу транспорт воситаси вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлганда қўлланиш, бунда бу қурилмалар фақат шу восита эҳтиёjlари учунгина фойдаланилиши шарт;

- Таркибида патентланган обьектлар бўлган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажрибалар ўтказиш;

- Табиий оғатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда таркибида патентланган обьектлар бўлган воситаларни қўлланиш. Вазирлар Маҳкамаси миллий хавфсизлик манфаатлари йўлида патентланган обьектлардан фойдаланиш тұғрисида патент эгасининг розилигини олмасдан туриб қарор қабул қиласи, лекин бундай ҳолларда обеъктдан фойдаланилгани учун унга тегишли товон тўланади;

- Таркибида патентланган обьектлар бўлган воситаларни, агар бу воситалар қонуний йўл билан хўжалик айланмасига киритилган бўлса, қўлланиш

(масалан, патент эгасининг ўзи ёки унинг литсензияси бўйича)

• Воситаларни ҳеч қандай даромад олмасдан шахсий мақсадларда қўлланиш;

• Дорихоналарда шифокор ретсепи бўйича дориларни бир марта таёrlаш.

**Ихтирога патент** – ихтиронинг устуворлик санасидан бошлаб йигрма йил мобайнида амал қиласи, моҳияти бўйича экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади;

**Ихтирога дастлабки патент** (2002 йил октябр ойигача) – дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қиласи. Талабнома берувчининг моҳияти бўйича экспертиза ўтказиш тўғрисидаги илтимосига кўра патентга айлантирилиши мумкин;

**Саноат намунасига патент** – моҳияти бўйича экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қиласи, патент эгасининг илтимоси билан амал қилиш муддатини яна беш йилга узайтириш имкониятини сақлаб қолади;

**Саноат намунасига дастлабки патент** (2002 йил октябр ойигача) – Дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қиласи. Дастлабки патент эгаси илтимосига кўра патентга айлантирилиши мумкин.

**Фойдали моделга патент** – дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қиласи ва талабнома берувчининг илтимосига кўра яна уч йилга узайтирилиши мумкин.

**Товар белгисига гувоҳнома** - экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қиласи ва ҳар сафар 10 йилга узайтириш имкониятини сақлаб қолади.

Агар обьект патентга лаёқатлилик мезонларига мос бўлса, у тегишлича ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси деб тан олинади. Қонунга мувофиқ кўрсатилган обьектлар учун қўйидаги мезонлар белгиланган:

▪ *Ихтиrolар учун – унинг янгилиги, ихтиро даражаси ва саноатда қўлланиши;*

▪ *Фойдали модел учун – унинг янгилиги ва саноатда қўлланилиши;*

▪ *Саноат намунаси учун – унинг янгилиги, ўзига хослиги ва саноатда қўлланилиши.*

Патент экспертизасини ўтказиш вақтида фойдаланиладиган энг муҳим тушунча *техника даражаси* тушунчасидир. **Техника даражаси** ўз ичига ихтиронинг устуворлик санасигача жаҳонда барча учун маълум бўлган ва барча фойдаланадиган маълумотларни олади.

Дастлабки экспертизанинг моҳият жиҳатидан экспертизадан фарқи энг аввало шундаки, дастлабки экспертиза вақтида талабнома берилган обьектнинг

(ихтиро, фойдали модел ) маҳаллий янгилик талабларига мувофиқлиги текширилади, яъни *патент экспертлари* фақат Ўзбекистондаги мавжуд патент ҳужжатларини текширадилар, моҳият жиҳатидан экспертизада эса объектнинг жаҳон техника даражасига мувофиқлиги текширилади. Патент идораси маълумотлар расмий равишда чоп этилгандан сўнг уч ой ўтгач патент эгасига (ёки товар белгиси эгасига) муҳофаза ҳужжати, тегишлича патент ёки гувоҳнома беради. Патент ёки гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси номидан берилади ва Патент идораси раҳбари томонидан имзоланади. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳамма вақт битта объектга фақат битта муҳофаза ҳужжати (патент ёки гувоҳнома) берилади. Агар патент эгаси бир нечта бўлса (масалан, икки фирма ёки икки ҳаммуаллиф) улар битта патент оладилар.

Қайд этиб ўтамизки, кейинчалик патент эгаси патентни кучда сақлаб туриш учун мунтазам равишда бож тўлаб туришлари шарт, бож тўламаслик муҳофаза ҳужжатининг амал қилиши тўхташига олиб келиши мумкин. *Патент қўйидаги ҳолларда ҳам амал қилишидан тўхтатилиши мумкин:*

- патентнинг амал қилиш муддати тугагач;
- патент, дастлабки патент ёки товар белгисининг ҳақиқий эмаслиги учинчи томоннинг даво аризаси билан суд орқали тасдиқланганда;
- патент эгасининг Патент идорасига берган аризаси асосида.

Агар патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши муддатидан илгари тўхтатилса, бу ҳақидаги маълумот Патент идорасининг “Расмий ахборотнома” бюллетенида чоп этилади. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича хориж фуқаролари ва юридик шахслари бевосита талабнома бериш ҳуқуқига эга эмас. Улар *патент олиши ва уни кучда сақлаб туриши учун ишларини Ўзбекистоннинг патент бўйича ишончли вакиллари орқали юритишлари мумкин.*

3. Бугунги кунда жаҳондаги ҳар бир мамлакат ўзи алоҳида яшай олмайди. Халқаро савдо, инвеститсияларнинг бир давлатдан иккинчисига ўтиши, қўшма корхоналарнинг фаолият кўрсатиши ва ҳамкорликнинг бошқа шакллари аллақачон жаҳон иқтисо-диётининг ажralmas омили бўлиб қолди [5].

Бундан ташқари йил сайин жаҳонда иқтисодий интегратсия жараёнларининг кучайиб бориши қузатилмоқда.

Рақобат кураши шароитида фақат ишлаб чиқаришнинг яхшиланган усусларини қўлланиш ёки техник-иқтисодий ва истеъмол (шу жумладан ташқи кўриниши ва савдо имиджи) хусусиятлари яхшиланган товарларни яратиш йўли билан қўшимча фойда олиш мумкин.

Шу муносабат билан интеллектуал мулк объектлари, хусусан уларнинг асосий хусусияти – қўшимча фойда “келтирувчи” сифатидаги роли тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда янги интеллектуал мулк объектларини яратиш, уларни

ишончли муҳофазалаш ва самарали фойдаланиш (шу жумладан бу объектларини сотиш) ҳар қандай корхона, фирма, корпоратсия муваффақиятининг ажралмас элементи бўлиб қолмоқда. Табиийки, турли давлатларда интеллектуал мулкни муҳофазалашнинг бир-биридан фарқ қиласиган тартиблари талабнома берувчилар учун ихтиrolарни патентлаш, товар белгиларини рўйхатга олишни мураккаблаштирас, бу эса хақаро савдо-сотик иқтисодиётини ривожлантириш йўлида жиддий тўсиқ бўлар эди.

Шунинг учун интеллектуал мулк ҳукуқлари ривожланишининг бутун тарихи давомида давлатлар интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш масалаларига ёндашувларни бир хиллаштириш йўлларини фаол изламоқда. Бу муаммолар интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликни зарур қилиб қўйди.

Интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг мақсади турли давлатлар ички қонунчилигининг айrim қоидаларини бир хиллаштириш, интеллектуал мулк соҳасида халқаро стандартлар ва меъёрлар ишлаб чиқиш йўли билан турли мамлакатларда интеллектуал мулк ҳукуқларини муҳофазалашни энгиллаштириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат [6].

Халқаро муносабатларда ҳукуқларнинг асосий манбаи халқаро битим, шартномалардир. Халқаро шартнома бу халқаро ҳукуқ билан тартибга солинадиган давлатлар ўртасидаги келишув бўлиб, унда ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятлар белгилаб берилади.

Интеллектуал мулк соҳасидаги асосий халкаро битимлар Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) доирасида бирлаштирилади. БИМТ Стокгол мда 1967 йилда имзоланган ва 1970 йилда кучга киритилган конвентсия билан таъсис этилган. БИМТ БМТ нинг 16 та ихтисослашган муассасаларидан биридир. БИМТнинг маъмурий вазифаларини бажарадиган Котибияти “БИМТнинг Халқаро бюроси” деб аталади [7].

Саноат мулкини муҳофазалаш бўйича Париж Конвентсияси интеллектуал ҳукуқлар соҳасидаги биринчи, энг умумий халқаро битим бўлади. Париж Конвентсияси 1883 йилда тузилган. Конвентсия ҳозирги вақтда амал қилаётган таҳрири 1979 йилда Стокгол мда қабул қилинган бўлиб, 2000 йил 1 январдаги маълумотларга кўра 162 давлат, шу жумладан 1993 йил 18 августда Конвентсияга аъзо бўлган Ўзбекистон ҳам унинг иштирокчилари ҳисобланади.

Конвентсия ихтиро, фойдали модел, товар белгилари, саноат намуналари, фирма номлари, товарларнинг келиб чиқиш жойлари, номлари каби объектларни муҳофазалаш, шунингдек ноҳалол рақобатнинг олдини олишнинг умумий асослари, тамойилларини белгилаб беради. 1970 йилда Вашингтонда тузилган Патент кооператсияси тўғрисидаги шартнома (РСТ) энг муҳим халқаро шартномалардан биридир. РСТ, биринчи навбатда, ихтиrolарга бир неча

мамлакатда муҳофаза олишни осонлаштириш ва арzonлаштиришга йўналтирилган. Шартнома шунингдек ривожланаётган мамлакатлар патент тизимининг иш самарадорлигини ошириш ва бу мамлакатлар аҳолисининг илғор техник ечимлар, ихтиrolар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланишини осонлаштириш йўли билан уларнинг иқтисодий ривожланишини рафбатлантиришга хизмат қиласи. Ўзбекистон 1993 йилда РСТ аъзоси бўлди.

Енди халқаро классификатсия битимларига ўтамиз. Ихтиrolар соҳасида 1971 йилда тузилган Халқаро патент классификатсияси тўғрисидаги Страсбург битимининг мақсади патент ҳужжатларини муфассал иерархик индексатсиялаш ва қидиришнинг ягона тизимини яратишдан иборатdir. Бу битим билан Халқаро патент классификатсия (ХПК) таъсис этилган бўлиб, у техниканинг ҳамма соҳасини 70000 дан ортиқ кичик руқнлардан иборат саккизта асосий бўлимга ажратади. ХПК турли патент-ахборот тадқиқотлари, патент экспертизасини самарали ўtkазиш имконини беради, бу эса патент ахборотини тезкор ва тижорат нуқтаи назаридан қимматли ахборотлар манбаига айлантиради. Ҳозирги вақтда ХПКдан деярли барча давлатлар ва ташкилотлар кэнг фойдаланмоқда. ХПК тўғрисидаги Битим доирасида Иттифоқ тузилган бўлиб, у ўз Ассамблеясига эга. Ассамблея Иттифоқнинг бюджети ва икки йиллик дастурини қабул қиласи.

Бутунжаҳон Савдо ташкилоти (БСТ) таъсис этилиши интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро кооператсиянинг ривожланишига туртки бўлди. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича энг асосий жиҳатларни бир хиллаштиришга қаратилган энг сўнги йўна-лишлар Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича савдо масалалари тўғрисида Битим (ТРИПС) да мужассамлашди. Унинг лойиҳаси 1994 йилда БСТнинг Уругвай раунди давомида таклиф этилган эди. Бугунги кунда ТРИПСга қўшилиш ҳар бир давлатнинг БСТга кириши учун зарур шартdir [8,9].

Албатта, интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасидаги халқаро кооператсияни кучайтириш, миллий қонунчиликни уйғунлаштириш давлатлар ва минтақаларнинг индустриси, иқтисодий ва ижтимоий ўсиши йўлида халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда тобора катта аҳамият касб этади.

### 3- Амалий машғулот

## Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулкни муҳофазалашнинг хуқуқий асослари

Режа:

1. ИМО ни муҳофазалаш соҳасида Ўзбекистон қонунчилиги.
2. Алоҳида хуқуқлар.
3. Интеллектуал мулк обьектларини муҳофазалаш соҳаси

Мамлакатимизнинг асосий қонуни Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясидир. Конститутсия Ўзбекистон қонунчилигини ишлаб чиқишининг асосий қоидаларини белгилаб беради. Бизнинг интеллектуал мулк обьектларини хуқуқий муҳофазалаш соҳасида амалдаги қонунчилигимиз бевосита мулкка эгалик ва илмий-техник ижодиёт эркинлиги хуқуқлари акс этган Конститутсиянинг ИХ бўлими 36 - ва 42 - моддаларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган.

Интеллектуал мулк обьектларини яратиш, муҳофазалаш ва фойдаланиш билан боғлиқ хуқуқий муносабатлар фуқаролик хуқуқи соҳаси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк хуқуқларини муҳофазалаш билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қўйидаги қонунлар амал қиласди:

1996 йил 30 августда қабул қилинган “Муаллифлик хуқуқлари ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги қонун;

1994 йил 6 майда қабул қилинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонун;

1993 йил 7 майда қабул қилинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган “Товар белгилари ва хизмат қўрсатиш белгилари тўғрисида”ги қонун;

1994 йил 6 майда қабул қилинган “ЕҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни хуқуқий муҳофазалаш тўғрисида”ги қонун;

1996 йил 30 августда қабул қилинган “Селектсия ютуқлари тўғрисида”ги қонун;

2001 йил 12 майда қабул қилинган “Интеграл микрочизмалар топологиясини хуқуқий муҳофазалаш тўғрисида”ги қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ давлатимизда интеллектуал мулк соҳасида ваколатли қўйидаги ташкилотлар фаолият қўрсатади:

Муаллифлик хуқуқларини ҳимоялаш соҳасидаги масалаларни тартибга солувчи Муаллифилик хуқуқлари бўйича агентлик;

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, унинг вазифаси саноат мулки объектларини муҳофазалаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Муаллифга шунингдек муаллифлик номи ҳуқуқи ҳам берилган бўлиб, унга мувофиқ муаллиф ўз обьектига ўзининг номи ёки бошқа номни бериши ҳуқуқига эга.

Интеллектуал мулк обьектларига мулкий ҳуқуқлар фуқаро ёки юридик шахснинг шу обьектга алоҳида ҳуқуқлариdir. Фақат алоҳида ҳуқуқлар эгаси интеллектуал мулк обьектидан бошқа шахслар фойдаланишига рухsat бериши ёки ман қилиши мумкин.

Алоҳида ҳуқуқлар фақат қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва фақат интеллектуал мулк обьектларидан меъёрида фойдаланишига ҳамда унинг эгасининг қонуний манфаатларига зарар етказилмаган тақдирдагина чекланиши мумкин.

Алоҳида ҳуқуқлар қўйидаги ҳолларда чекланиши мумкин:

- Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари таркибидаги қурилмаларни бошқа давлат, Париж конвентсияси иштирокчисининг транспорт воситасида, бу транспорт воситаси вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлганда қўлланиш, бунда бу қурилмалар факат шу восита эҳтиёжлари учунгина фойдаланилиши шарт;
- Таркибида патентланган обьектлар бўлган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажрибалар ўтказиш;
- Табиий оғатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда таркибида патентланган обьектлар бўлган воситаларни қўлланиш. Вазирлар Маҳкамаси миллий хавфсизлик манфаатлари йўлида патентланган обьектлардан фойдаланиш тўғрисида патент эгасининг розилигини олмасдан туриб қарор қабул қиласи, лекин бундай ҳолларда обеъктдан фойдаланилгани учун унга тегишли товон тўланади;
- Таркибида патентланган обьектлар бўлган воситаларни, агар бу воситалар қонуний йўл билан хўжалик айланмасига киритилган бўлса, қўлланиш (масалан, патент эгасининг ўзи ёки унинг литсензияси бўйича)
- Воситаларни ҳеч қандай даромад олмасдан шахсий мақсадларда қўлланиш;
- Дорихоналарда шифокор ретсепи бўйича дориларни бир марта таёrlаш.

## 4- Амалий машғулот

### **Интеллектуал мулкнинг турлари ва объеклари**

Режа:

1. ИМО ни муҳофазалаш соҳасида Ўзбекистон қонунчилиги.
2. Алоҳида ҳуқуқлар.
3. Интеллектуал мулк обьектларини муҳофазалаш соҳаси

Интеллектуал мулк обьектларига мулкий ҳуқуқлар фуқаро ёки юридик шахснинг шу обьектга алоҳида ҳуқуқлариdir. Фақат алоҳида ҳуқуқлар эгаси интеллектуал мулк обьектидан бошқа шахслар фойдаланишига рухсат бериши ёки ман қилиши мумкин.

Алоҳида ҳуқуқлар фақат қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва фақат интеллектуал мулк обьектларидан меъёрида фойдаланишига ҳамда унинг эгасининг қонуний манфаатларига заарар етказилмаган тақдирдагина чекланиши мумкин.

Алоҳида ҳуқуқлар қўйидаги ҳолларда чекланиши мумкин:

- Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари таркибидаги қурилмаларни бошқа давлат, Париж конвентсияси иштирокчисининг транспорт воситасида, бу транспорт воситаси вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлганда қўлланиш, бунда бу қурилмалар фақат шу восита эҳтиёжлари учунгина фойдаланилиши шарт;

- Таркибида патентланган обьектлар бўлган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажрибалар ўтказиш;

- Табиий оғатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда таркибида патентланган обьектлар бўлган воситаларни қўлланиш. Вазирлар Маҳкамаси миллий хавфсизлик манфаатлари йўлида патентланган обьектлардан фойдаланиш тўғрисида патент эгасининг розилигини олмасдан туриб қарор қабул қиласи, лекин бундай ҳолларда обьектдан фойдаланилгани учун унга тегишли товон тўланади;

- Таркибида патентланган обьектлар бўлган воситаларни, агар бу воситалар қонуний йўл билан хўжалик айланмасига киритилган бўлса, қўлланиш (масалан, патент эгасининг ўзи ёки унинг литсензияси бўйича)

- Воситаларни ҳеч қандай даромад олмасдан шахсий мақсадларда қўлланиш;

- Дорихоналарда шифокор ретсепи бўйича дориларни бир марта таёрлаш.

**Ихтирога патент** – ихтиронинг устуворлик санасидан бошлаб йигирма йил мобайнида амал қиласи, моҳияти бўйича экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади;

**Ихтирога дастлабки патент** (2002 йил октябр ойигача) – дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қиласи; Талабнома берувчининг моҳияти бўйича экспертиза ўтказиш тўғрисидаги илтимосига кўра патентга айлантирилиши мумкин;

**Саноат намунасига патент** – моҳияти бўйича экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қиласи, патент эгасининг илтимоси билан амал қилиш муддатини яна беш йилга узайтириш имкониятини сақлаб қолади;

**Саноат намунасига дастлабки патент** (2002 йил октябр ойигача) – Дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қиласи. Дастлабки патент эгаси илтимосига кўра патентга айлантирилиши мумкин.

**Фойдали моделга патент** – дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қиласи ва талабнома берувчининг илтимосига кўра яна уч йилга узайтирилиши мумкин.

**Товар белгисига гувоҳнома** - экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қиласи ва ҳар сафар 10 йилга узайтириш имкониятини сақлаб қолади.

Агар обьект патентга лаёқатлилик мезонларига мос бўлса, у тегишлича ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси деб тан олинади. Қонунга мувофиқ кўрсатилган обьектлар учун қўйидаги мезонлар белгиланган:

- *Ихтиrolар учун – унинг янгилиги, ихтиро даражаси ва саноатда қўлланиши;*
- *Фойдали модел учун – унинг янгилиги ва саноатда қўлланилиши;*
- *Саноат намунаси учун – унинг янгилиги, ўзига хослиги ва саноатда қўлланилиши.*

Патент экспертизасини ўтказиш вақтида фойдаланиладиган энг муҳим тушунча *техника даражаси* тушунчасидир. **Техника даражаси** ўз ичига ихтиронинг устуворлик санасигача жаҳонда барча учун маълум бўлган ва барча фойдаланадиган маълумотларни олади.

Дастлабки экспертизанинг моҳият жиҳатидан экспертизадан фарқи энг аввало шундаки, дастлабки экспертиза вақтида талабнома берилган обьектнинг (ихтиро, фойдали модел) маҳаллий янгилик талабларига мувофиқлиги текширилади, яъни *патент экспертлари* фақат Ўзбекистондаги мавжуд патент ҳужжатларини текширадилар, моҳият жиҳатидан экспертизада эса обьектнинг жаҳон техника даражасига мувофиқлиги текширилади. Патент идораси маълумотлар расмий равишда чоп этилгандан сўнг уч ой ўтгач патент эгасига (ёки товар белгиси эгасига) муҳофаза ҳужжати, тегишлича патент ёки гувоҳнома беради. Патент ёки гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси номидан берилади ва

Патент идораси раҳбари томонидан имзоланади. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳамма вақт битта объектга фақат битта муҳофаза ҳужжати (патент ёки гувоҳнома) берилади. Агар патент эгаси бир нечта бўлса (масалан, икки фирма ёки икки ҳаммуаллиф) улар битта патент оладилар.

Қайд этиб ўтамизки, кейинчалик патент эгаси патентни кучда сақлаб туриш учун мунтазам равишда бож тўлаб туришлари шарт, бож тўламаслик муҳофаза ҳужжатининг амал қилиши тўхташига олиб келиши мумкин. *Патент қуидаги ҳолларда ҳам амал қилишидан тўхтатилиши мумкин:*

- патентнинг амал қилиш муддати тугагач;
- патент, дастлабки патент ёки товар белгисининг ҳақиқий эмаслиги учинчи томоннинг даво аризаси билан суд орқали тасдиқланганда;
- патент эгасининг Патент идорасига берган аризаси асосида.

Агар патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши муддатидан илгари тўхтатилса, бу ҳақидаги маълумот Патент идорасининг “Расмий ахборотнома” бюллетенида чоп этилади. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича хориж фуқаролари ва юридик шахслари бевосита талабнома бериш хуқуқига эга эмас. Улар патент олиши ва уни кучда сақлаб туриши учун ишларини Ўзбекистоннинг патент бўйича ишончли вакиллари орқали юритишлари мумкин.

## 5- Амалий машғулот

### **Ихтирога патент олиш учун талабномаларни расмийлаштириш қоидалари**

Режа:

1. Ихтиронинг патентга лаёқатлилиги мезонлари
2. Ихтиронинг янгилиги мезонлари
3. Ихтиронинг даражаси мезонлари
4. Ихтиронинг саноатда қўлланилиши.

Талабнома таркиби. Талабнома қуидаги ҳужжатларни ўз ичига олади:

- ихтиро муаллифи (муаллифлари) ва номига патент берилиши сўралаётган шахс (шахслар), шунингдек уларнинг яшаш ёки турар жойи кўрсатилиб, патент бериш сўралган ариза;
- ихтиронинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ баён этилган **тавсифи**;
- ихтиро моҳиятини акс эттирувчи ва унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган **ихтиро формуласи**;
- ихтиро моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, **чизмалар ва бошқа**

**материаллар;**

- реферат.

**Талабномага илова қилинадиган ҳужжатлар:**

1. Талабномага белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки бож тўлашдан озод қилишни асословчи ҳужжат илова қилинади. Бож белгиланган миқдордан кам тўланган ҳолда, бож миқдори камайтирилишини асословчи ҳужжат қўшиб берилади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар талабнома билан бирга берилиши керак.

2. Патент вакили орқали берилган талабномага талабнома берувчи томонидан берилган ва патент вакилининг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки унинг нусхаси илова қилинади. Патент идорасига топшириш учун Ўзбекистон Республикасида расмийлаштирилаётган ишончнома, оддий хат шаклида тузилади ва нотариус томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди.

**Талабнома тили.** Патент бериш тўғрисидаги ариза ўзбек ёки рус тилида берилади. Талабнома миллий талабнома берувчилар ёки МДҲ талабнома берувчилари томонидан берилса, аризада кўрсатилган ихтиро номи ўзбек ва рус тилларида берилиши лозим.

**Нусхалар сони.** Талабноманинг юқорида кўрсатилган ўзбек ёки рус тилида тузилган ҳужжатлари уч нусхада берилади.

Шу ҳужжатлар агар бошқа тилда бўлса бир нусхада, уларнинг таржимаси уч нусхада берилади.

Қолган ҳужжатлар ва уларнинг ўзбек ёки рус тилига таржимаси бир нусхада берилади.

## 6- Амалий машғулот

### **Фойдали модельга патент олиш учун талабномаларни расмийлаштириш қоидалари**

Режа:

1. Фойдали модельнинг патентга лаёқатлилиги мезонлари
2. Фойдали модельнинг янгилиги мезонлари
3. Фойдали модельнинг даражаси мезонлари
4. Фойдали модельнинг саноатда қўлланилиши.

Фойдали модельларнинг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимлари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Конуни ва фойдали моделлар

муҳофазаси соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар ёрдамида тартибга солинади.

Фойдали моделга патент (бундан буён – патент) фойдали моделнинг янгилигини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг фойдали моделга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ хуқуқини тасдиқлайди.

**Патент қуидагиларга берилади:**

- Фойдали моделнинг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ёки унинг (уларнинг) вориси (ворислари)га;
- муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки фойдали модель Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилгунга қадар Агентликка топширилган талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга;
- фойдали модель ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган ҳолларда, агар бу ҳол улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига.

Патент давлат экспертизаси ўтказилганидан кейин берилади ҳамда Агентликка патент бериш тўғрисидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисобланганда, 5 йил мобайнида амал қиласи.

**Фойдали моделларнинг обьекти бўлиб қуидагилар ҳисобланади:** қурилмаларни конструктив бажариш, хусусан машиналар, асбоблар, аппаратлар, ускуналар, инструментлар, маҳкамловчи буюмлар, машина деталлари, алоқа воситалари, қурилиш конструкциялари ва бошқалар

**Қуидагилар фойдали модель деб тан олинмайди:**

- илмий назариялар ва математика усуллари;
- ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;
- ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;
- электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизма тарҳлари;
- эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;
- интеграл микросхемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;

- жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Фойдали модель янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, фойдали моделга патент берилади.

## **Янгилиги**

Агар фойдали моделнинг муҳим белгилари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади. Техника тараққиёти даражаси талабномада қўрсатилган фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳақидаги, Ўзбекистон Республикасида ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотларни, шунингдек, уларни қўллашга доир маълумотларни ўз ичига олади.

## **Саноатда қўлланиши**

Фойдали модель, агар ундан амалда фойдаланиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

## **Талабномани расмийлаштириш**

### **1. Талабнома тили**

Патент бериш тўғрисидаги ариза ўзбек ёки рус тилида берилади. Аризага илова қилинадиган талабноманинг бошқа ҳужжатлари ўзбек, рус ёки бошқа тилларда тақдим этилади.

Агар талабнома ҳужжатлари бошқа тилда тақдим этилган бўлса, у ҳолда талабномага уларнинг ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси илова қилинади.

Талабнома берувчи ҳужжатларнинг ўзбек ёки рус тилидаги таржимасини талабнома Агентликка топширилган санадан бошлаб икки ой мобайнида тақдим этишилиши мумкин.

### **2. Талабнома мазмуни**

Талабнома таркибида патент бериш тўғрисидаги ариза, фойдали модель тавсифи, формуласи, чизмалар, фойдали модель моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган бошқа материаллар ва реферат бўлиши керак.

Талабнома берувчи талабнома топшириш учун белгиланган миқдорда патент божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни, шунингдек, агар талабнома талабнома берувчининг вакили томонидан тақдим этилган бўлса, унинг номига берилган ишончномани талабномага илова қилиши лозим.

<p>(21) ТАЛАБНОМАРАК АМИ</p>	<p>(22) Талабномахужжатла рини ТОПШИРИШСАНА СИ</p>	<p>ЁЗИШМАЛАРУЧУНМАНЗИЛ (<i>Xat олувчинингтўлиқ почтаманзили, исмиваноми</i>)</p>
<p>(85)Халқаро талабноманимиллий фазага ЎТКАЗИШСАНАСИ</p>		<p>Телефон: Е-маил:</p>
<p>(ҮзРДПИ томонидан түлдирилади)</p>		<p>Факс: Е-маил:</p>
(86)	<p>(<i>халқаро талабноманингқабулқилувчи идоратомонидан талабноманихалқаро эълонқилиши белгиланган рўйхатдан ўтказиширақамиватопшириши санаси рақамивасанаси</i>)</p>	
<p>Фойдалимоделга Ўзбекистон Республикаси п атентини бериштўғрисида</p> <p style="text-align: center;">АРИЗА</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Давлатпате нтидорасига 100047, Тошкентш., Тўйтепакўчали, 2ауї. Тел.: (99871) 232-00-13, Факс: (99871) 233-45-56; Е-маил: <a href="mailto:инфо@патент.уз">инфо@патент.уз</a></p>	
<p>(54) ФОЙДАЛИМОДЕЛНОМИ</p>		

(71)ТАЛАБНОМАБЕРУВЧИ <input type="checkbox"/> жисмоний шахс <input type="checkbox"/> юридик шахс  (Тұлиқномиёқиномланиши ваммакат нингоми ват тұлиқ почтаман зилини хами чига олған ҳолда яшаши жойи ёки жойлашын ерикүрсатылади. Муаллиф-тала бнома берувчи ларнан гашаш жойи туғри си да гима ылум оттар «Муаллифлар» графаси да келтирилади)	ОКПО обүйичат ашкілот Код И
Ушбу шахс қуидаги бўлибҳисобланади: <input type="checkbox"/> Муаллиф <input type="checkbox"/> муаллифнинг хуқуқий вориси <input type="checkbox"/> Йишберувчи <input type="checkbox"/> ишберувчининг хуқуқий вориси	БИМТСТ.З ст андарт ибўйи чамамлакат К ОДИ

## УСТУВОРЛИКНИБЕЛГИЛАШУЧУНАРИЗА

(Патентидораси гата лабнома келиб тушигансанада на аввалроқустуворлик суралганда атўлдирилади)

Фойдалимодел устуворлиги ни қуидаги сана бўйича белгилашингизни сўрайман:

- Саноатмулкимухофа засиби бўйича Париж конвентсияси иштирокчи си бўлган мамлакат дабиринчталабноманитопширишсанаси бўйича (“Ихтиrolар, фойдалимоделлар ва саноатнамуна ларитуғрисида” ги Ўзбекистон Републикаси Кону нининг (бундан кейин - Конун) 2-қисм, 18-моддасининг биринчихатбошиси)
- Патентидораси га аввалроқтопширилган талабнома нинг келиб тушишсанаси бўйича (Конуннинг 2-қисм, 18-моддасининг кинчихатбошиси)
- Аввалроқтопширилган талабнома га қўшимчаматериалларнинг келиб тушишсанаси бўйича (Конуннинг 2-қисм, 18-моддасининг гучинчихатбошиси)

Биринчи (аввалроқтопширилган, дастлабки) тала бномарақами	Сўралаётган устуворликсанаси	(33) БИМТСТ.3 стандарти бўйича талабнома топшираётган томоннинг мамлакат коди (конвентсион устуворлик суралганда)

Талабнома берувчининг вакили этибтайинланган

(74) ПАТЕНТВАКИЛИ (тўлиқисми, рўйхатдан ўтиши раками, тураржсои)

Телефон:  
айл:

Факс:

е-

ИЛОВАҚИЛИНАЁТГАНХУЖЖАТЛАРРҮЙХАТИ	1 нушадагива ракларсони	Нушаларс оны
Фойдалимодел тавсифи		
Фойдалимодел формуласи (мустакилбандларсони)		
Чизма(лар) вабошқаматериаллар		
Фойдалимодел реферати		
талаңноманитопширишучунпатентбожинитүлаштүр рисидагихужжат		
Натентбожинитүлашдан озод этишучунасослармавжудлигинитасдиқловчихужжат		
Өиринчitalабноманингнушаси(конвенционустув орликсўралганида)		
Чалабноманингўзбекёкирустилларидағитаржимаси		
атентвакиливаколатларинитасдиқловчиишончнома		
Бошқахужжат(кўрсатилсин)		
(72) Муаллиф(лар) (фамилияси, исми, отасинингисми, лавозими, иљмийдара жасавашижойи кўрсатила ди)	Тўлиқуйманзили, мамлакатнинграсмийномини ваунинг ИМТСТ.3 стандарти бўйича кодини ўзичига олади	

Мен,

(тўлиқисми)

патентберилиши тўғрисидагимаълумотлар  
эълонқилингандамени муаллиф сифатида кўрсатмаслигингизни сўрайман.

Муаллифимзоси:

Имзо:

*Талабнома берувчи ёки патентвакилингим зосива имзолашсанаси  
(юридик шахсноми даним золанганда раҳбарнинг ёки бошқаваколатли шахснингим  
зоси муҳрабилан тасдиқланади)*

7-Амалиймашғулот

**Саноат намунасига патент олиш учун талабномаларни  
расмийлаштириш қоидалари**

Режа:

1. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиги мезонлари
2. Саноат намунасининг янгилиги мезонлари
3. Саноат намунасининг даражаси мезонлари
4. Саноат намунасининг саноатда қўлланилиши.

Саноат намуналарининг хукукий муҳофазаси соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимлари ва саноат намуналари муҳофазаси соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар воситасида тартибга солинади.

Саноат намунасига патент (бундан бўён матнда “патент” деб юритилади) саноат намунасининг янгилиги ва ўзига хослигини, унинг ҳақиқийлигини ҳамда патент эгасининг саноат намунасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга доир мутлақ хукукини тасдиқлайди.

Патент қўйидагиларга берилади:

- саноат намунасининг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);
- муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки саноат намунаси Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилгунга қадар Агентликка топширилган талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (уларнинг ўзи рози бўлган тақдирда);
- ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат намунасининг патенти, агар бу ҳол улар ўртасидаги тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Саноат намунасига патент давлат экспертизаси ўтказилганидан кейин берилади, ҳамда Агентликка патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисобланганда ўн йил давомида амал қиласди.

Саноат намунаси патентининг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан беш йилга узайтирилиши мумкин.

